2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 7 (263), 2021 йил 12 январь, сешанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

# МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ, ҲУДУДИЙ ДАХЛСИЗЛИГИМИЗНИНГ ИШОНЧЛИ ҚАЛҚОНИ



**Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев 11 январь куни Жиззах вилоятида бўлди.**

Давлатимиз раҳбари дастлаб Марказий ҳарбий округнинг артиллерия бригадасини бориб кўрди.

Мазкур ҳарбий қисмда катта ҳажмдаги қурилиш ва таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, барча замонавий қулайликлар яратилган. Президент Шавкат Мирзиёев ушбу шароитларни кўздан кечирди.

— Асосий мақсадимиз — халқ билан армия бирдамлиги. Ҳарбий қисмлар эшиклари эл учун очиқ бўлиши керак. Миллий армиямизнинг нури, маънавияти ҳаммага етиб бориши зарур. Ёшларни бу ерга олиб келиб кўрсатиш, ўргатиш керак. Бу уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, мамлакатимиз тарихи ва қудрати ҳақида билимларини бойитишга хизмат қилади. Бундан ота-оналар ҳам хурсанд бўлади, — деди Президент.

Ўқув биноси энг илғор ҳарбий тайёргарлик талабларига мос жиҳозланган. Ўқув тренажёрлари жанговар вазиятга максимал яқинлаштирилган.

Давлатимиз раҳбари аскарларнинг ўқув машғулотларини кўздан кечирди. Ҳарбий билим ва кўникмаларни мактаб давриданоқ тўғри йўлга қўйиш, ҳарбий билим юртлари билан ҳарбий округлар ўртасидаги алоқани кучайтириш муҳимлиги таъкидланди.

Мутасаддиларга бугун дунёда кузатилаётган хавф-хатарлардан келиб чиқиб, жанговар тайёргарликни янги поғонага кўтариш, хориж тажрибасини ўрганиш, энг илғор ахборот технологияларини ўзлаштириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Ётоқхоналарда ҳарбий хизматчиларнинг яшаши, дам олиши, вақтини мазмунли ўтказиб, билимларини мустаҳкамлаши учун барча қулайликлар бор.

Ҳарбий қисм ошхонасига хизмат кўрсатиш бўйича аутсорсинг тизими жорий қилинган. Бу аскарларнинг ҳамма вақти ва куч-ғайратини профессионал тайёргарликка қаратиш имконини бермоқда.

Шавкат Мирзиёев ҳарбий қисмдаги тиббиёт пунктини кириб кўрди. Бу ерда ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларига малакали хизмат кўрсатилмоқда.

Президентимиз ушбу пунктдаги ускуна ва кадрлар салоҳиятидан фойдаланиб, ҳарбий қисм яқинидаги Олмачи маҳалласи аҳолисини тиббий кўрикдан ўтказиш, халқ саломатлигини мустаҳкамлашга ҳисса қўшиш зарурлигини таъкидлади. Шунингдек, Мудофаа вазирлигининг захираси сифатида ҳар бири 500 ўринли иккита мобил госпиталь ташкил этиш бўйича топшириқ берилди.

Шундан сўнг давлатимиз раҳбари “Фориш” тоғ полигонида Мудофаа вазирлиги қўшинларининг жанговар тайёргарлиги билан танишди.

Маълумки, давлатимиз раҳбари 2018 йил март ойида мазкур ҳудудда бўлиб, бу ерни намунавий полигонга айлантириш, янги концепция ишлаб чиқиб, мамлакатимиздаги барча ҳарбий полигонларни модернизация қилиш бўйича топшириқлар берган эди. Шулар асосида ушбу махсус ўқув-синов майдони замон талабларига мослаштирилди, шахсий таркибнинг жанговар тайёргарлигини оширишга қаратилган энг илғор шароитлар яратилди.

Бунинг натижасини база инфратузилмаси янгиланганидан сўнг, бу ерда 2019 ва 2020 йилларда ўтказилган Халқаро армия ўйинларида Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги терма жамоаси биринчиликни қўлдан бой бермай келаётганида ҳам кўриш мумкин.

Полигон ҳудудида қурилган объектлар ҳақида дастлаб жой макети орқали маълумот берилди. Давлатимиз раҳбари ҳарбийлар ётоқхонаси, сузиш ҳавзаси, спорт залидаги шароитлар билан танишди. Марказий ва Шарқий ҳарбий округларнинг регби бўйича терма жамоалари мусобақасини кузатди.

Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони ҳарбий хизматчилар билан бир дастурхон атрофида самимий суҳбатлашди. Истеъдодли аскарлар бахшичилик санъатидан намуналар ижро этди.

Давлатимиз раҳбари “Фориш” тоғ полигонида қўшинлар ихтиёридаги замонавий қурол-аслаҳа ва ҳарбий техникаларни кўздан кечирди.

Ундан сўнг Марказий ҳарбий округ қўшинларининг шартли душманни йўқ қилиш бўйича жанговар машғулотлари, ҳарбий муҳандислик амалиётлари намойиш қилинди.

Ҳарбий учувчи, полковник Бахтиёр Отажонов ўз бошқарувидаги МИГ-29 қирувчи самолётида юртимиз ҳаво ҳужумидан мудофаа салоҳиятини намойиш қилди.

Бу каби тактик машғулотлар ҳарбийларнинг жанговар тайёргарлигини оширишда, уларнинг замонавий ҳарбий техникалардан фойдаланиш кўникмасини шакллантиришда муҳим ўрин тутиши таъкидланди.

Шу ерда шахсий таркиб билан мулоқот бўлди. Президентимиз кейинги йилларда ҳарбий соҳада амалга оширилаётган тизимли ислоҳотлар натижасида мустақиллигимиз, ҳудудий дахлсизлигимизнинг ишончли қалқони бўлган миллий армиямиз йилдан-йилга такомиллашиб, аскар ва офицерларнинг билими, куч-қудрати ва салоҳияти ошиб бораётганини таъкидлади.

— Бу полигон халқаро стандартларга мос бўлиши керак. Аскар ва зобитларни тайёрлаш шунга мувофиқ бўлиши зарур. Бунинг учун сифат, жанговар маҳоратга алоҳида эътибор қаратиш лозим, — деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари ҳарбийларни Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 29 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари куни билан табриклади.

— Кейинги йилларда байрам арафасида учрашиш анъанага айланди, — деди Шавкат Мирзиёев. — Бугунги Қуролли Кучларимиз беш йил олдинги армия эмас. Мудофаа доктринамиз бўйича қилинган ишлар натижасида миллий армиямизнинг салоҳияти ҳар томонлама ошди. Эришган муваффақиятларимиз билан бирга олдимизда кўп режалар, вазифалар турибди. Қўшинларнинг жанговар ҳолатини янада мустаҳкамлашимиз керак. Бунинг учун билим, тажриба, тайёргарлик зарур.

Президент қўшинларнинг жанговар қобилияти ва тайёргарлигини мунтазам ошириб бориш юзасидан мутасаддиларга тегишли кўрсатмалар берди.

Шундан сўнг давлатимиз раҳбари Тошкентга қайтиб келди.

**Матназар ЭЛМУРОДОВ,**
**ЎзА мухбири**

# ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ ТАҚДИМОТ ҚИЛИНДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев 11 январь куни Жиззах вилоятидан қайтиб келгач, инвестиция лойиҳалари тақдимоти билан танишди.**

Дастлаб 2021 йилда тижорат банклари томонидан амалга ошириладиган йирик инвестиция лойиҳалари тўғрисида маълумот берилди.

Мамлакатимизда замонавий технологияларни жалб этган ҳолда экспортбоп ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришга катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, тижорат банклари томонидан 2021 йилда 120 триллион сўм миқдоридаги йирик инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш кўзда тутилган.

Бундан ташқари, қурилиш материаллари, енгил саноат, қишлоқ хўжалиги, нефть-кимё, машинасозлик ва бошқа тармоқларда қиймати қарийб 1 миллиард доллар бўлган 14 та йирик инвестиция лойиҳаси ишлаб чиқилган.

Масалан, Сирдарё шаҳрида фаолият юритаётган полиэтилен қоп ва енгил контейнерлар ишлаб чиқариш корхонасида 2 мингга яқин киши меҳнат қилмоқда. Бунинг давоми сифатида, Ўзсаноатқурилишбанк томонидан “спанбонд-мелтблаун” нотўқима матоларини ишлаб чиқаришга қаратилган 94 миллион долларлик лойиҳа режалаштирилган.

Умуман айтганда, янги лойиҳалар самарасида махсус техникалар, полиметалл маҳсулотлар, геосинтетик материаллар, минерал пахта асосида қурилиш плиталари, қувур, ойна ва бошқа маҳсулотлар тайёрлашни йўлга қўйиш, мева-сабзавотчилик кластерлари ҳамда кичик саноат зоналарини ташкил этиш кўзда тутилган.

Давлатимиз раҳбари лойиҳаларни ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятидан келиб чиқиб, оқилона жойлаштириш, саноат инфратузилмасини яхшилаш, кластер ва технопарклар ташкил этиш бўйича кўрсатмалар берди.

Президент Шавкат Мирзиёевга, шунингдек, пойтахтимизда инвестиция лойиҳалари амалга оширилиши борасида маълумот берилди. Тошкент шаҳрини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурига асосан 2020 йилда молиялаштиришнинг барча манбалари ҳисобига 3,7 миллиард доллар инвестиция ўзлаштирилгани қайд этилди. Қиймати 11 триллион сўмдан зиёд 306 та лойиҳа фойдаланишга топширилиб, қарийб 13 мингта янги иш ўрни яратилган.

Мисол учун, Бектемир туманидаги “ДСК Бинокор” масъулияти чекланган жамият 504 миллиард сўмлик инвестиция ҳисобига темир-бетон маҳсулотлар, Сергели туманидаги “Bek Mega Textile” корхонаси 119 миллиард сўмлик инвестиция эвазига тўқимачилик товарлари ишлаб чиқаришни ташкил этган.

Бу борадаги ишларни изчил давом эттириш мақсадида 2021-2023 йиллар учун қиймати 109 триллион сўмдан зиёд 1 минг 277 та инвестиция лойиҳаси шакллантирилган. Шундан қарийб 4,9 миллиард доллари хорижий инвестиция ва кредитларга тўғри келиши кутилмоқда. Бу саъй-ҳаракатлар 86 мингга яқин иш ўрни ташкил этиш имконини беради.

Жорий йилда мазкур лойиҳалар доирасида барча манбалар ҳисобидан 4,1 миллиард доллар инвестиция ўзлаштирилиши белгиланган. 454 та лойиҳани ишга тушириб, қарийб 29 минг кишини иш билан таъминлаш мақсад қилинган.

Давлатимиз раҳбари тақдимот қилинган лойиҳаларни белгиланган муддатларда ва сифатли, замон талабларига мос равишда амалга ошириш бўйича қатор топшириқлар берди.

**ЎзА**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҚИРҒИЗ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ САЙЛАНГАН ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ҚИЛДИ

**11 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қирғиз Республикасининг сайланган Президенти Садир Жапаров билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.**

Суҳбат аввалида давлатимиз раҳбари Садир Жапаровни бўлиб ўтган Президент сайловидаги ишончли ғалабаси ҳамда Қирғизистон Конституциясига ўзгартиришлар киритиш бўйича референдумнинг муваффақиятли ўтказилгани билан чин дилдан табриклади.

Ушбу ғоятда муҳим сиёсий тадбирларнинг якунлари мамлакат барқарорлиги ва изчил тараққиётини таъминлаш, аҳоли фаровонлигини ошириш учун мустаҳкам замин яратишига ишонч билдирилди.

Ўз навбатида, Садир Жапаров Ўзбекистон Президенти ва кўп миллатли халқига замонавий хатарларни енгиб ўтишда ва коронавирус пандемияси оқибатларига қарши курашишда қардош Қирғизистонга кўрсатилаётган кўмак учун миннатдорлик билдирди.

Телефон мулоқоти чоғида икки томонлама муносабатлар ва минтақавий ҳамкорликнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Жорий йил Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик, ишонч ва стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, уларни сифат жиҳатидан янги мазмун билан бойитиш даври бўлиши лозимлиги қайд этилди.

Ўзбекистон — Қирғизистон кўп қиррали ҳамкорлигини ривожлантириш борасида аввал эришилган келишувларни амалга ошириш муҳим экани алоҳида таъкидланди.

Булар, аввало, Давлат чегараларини делимитация қилиш борасидаги қўшма ишларнинг натижадорлигини ошириш, товар айирбошлашни кўпайтириш, саноат, энергетика ва қишлоқ хўжалигида кооперацияни кучайтириш, ҳудудлараро алоқалар ва гуманитар алмашинувни кенгайтириш, самарали транспорт коммуникацияларини ривожлантириш бўйича минтақавий лойиҳаларни амалга ошириш масалалари ва бошқа жиҳатлар.

Ҳукуматлараро комиссиялар ишини фаоллаштириш, шунингдек, ҳамкорликнинг муҳим йўналишлари бўйича қатор тадбирлар ўтказишга келишиб олинди.

Халқаро ташкилотлар ва минтақавий тузилмалар доирасида аниқ ва конструктив мулоқотни давом эттириш ва ўзаро қўллаб-қувватлашдан икки томон ҳам манфаатдор экани таъкидланди.

Суҳбат очиқ ва дўстона руҳда ўтди.

**ЎзА**

Сиёсат

# ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ — ЯНГИ УЙҒОНИШ ДАВРИНИНГ ДАСТУРИ






*Содиқ САФОЕВ,*
*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг биринчи ўринбосари*

**Аниқ стратегия ва унинг истиқболига қатъий ишонган инсонлар, узоқни кўра олиш қобилиятига эга бўлмаган кишиларга нисбатан ҳаётнинг турли бурилишларию кутилмаган ҳодисаларига тайёррoқ бўлади ва уларни яхшироқ енгиб ўта олади, деган эди Уинстон Черчилл. Тўрт йил олдин давлатимиз, жамиятимиз ривожида кескин бурилиш ясаган тараққиёт таълимоти — Ҳаракатлар стратегияси қабул қилинди.**

Давоми 2-бетда

Мурожаатномани ўқиб...

# КЎЗИМИЗ ҲАМ, ҚЎЛИМИЗ ҲАМ, ЮРАГИМИЗ ҲАМ БОТИР БЎЛСИН!



*Азамат ЗИЁ,*
*тарих фанлари доктори, профессор*

**Ортда қолган 2020 йил кишилик тарихида ҳам вақт, ҳам мазмун жиҳатларидан ажралиб туради. Агар тожли оғу (COVID-19) деган бир бало бутун дунёни қамраб олмаганида, у, ҳеч қурса, Токио олимпиадаси ўтган сана сифатида эсда қолиши турган гап эди. Бироқ...**
**Юз йил бурун ҳам инсоният мана шундай фалокатга йўлиққан. 1918-1920 йилларда қутурган испанча грипп 0.5 миллиард одамни, яъни ерликларнинг 30 фоизини ўз домига тортиб, тахминларга қараганда, камида 20 миллион, кўпи билан 100 миллион аҳолининг ёстиғини қуритган.**

Давоми 3-бетда

Сиёсат

Кимки ҳаётдан олмаса таълим,
унга ўргатолмас ҳеч бир муаллим.
Абдураҳмон Жомий



Ҳаракатлар стратегияси 2017-2021

# ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ — ЯНГИ УЙҒОНИШ ДАВРИНИНГ ДАСТУРИ

Бошланиши 1-бетда

Ҳар биримиз, ҳар бир оила ҳаётида унинг тутган ўрнини идрок этиш учун 2016 йилдан аввал мамлакатда вужудга келган ҳолатни холисона эслаш керак.

Кўп йиллар мобайнида журъатсизлик туфайли дадил қадамларни ташламасдан, муаммолар ечимини пайсалга солиб, реал вазиятни очиқ айтишдан қўрқиб, беркитиб юрилди. Биз бутун мустақил давлатлар ҳамжамиятида энг охирги бўлиб миллий валютамизни жорий этдик. Ўзгаришларнинг замини — ҳақиқий хусусийлаштиришга киришилмади. Ҳаққоний иқтисодий ташхис ўрнига мақтанчоқлик, ўзимизни бир қандайдир сохта, уйдирма рақамлар билан юпатиб, ўзининг қандайдир манфаатларига эга, ҳеч ким танимайдиган "хорижий экспертлар"нинг мақтовига маҳлиё бўлиб юрдик.

Натижада ниҳоятда хатарли вазият вужудга келди. Аҳоли турмуш даражасининг пасайиши, ишсизлик, давлат органларининг халқ билан боғлиқлиги йўқолиши, иқтисодий эркинлик ва инсон ҳуқуқларини поймол қилиш, коррупция, бюрократизм ҳамда бошқа авж олган иллатлар оқибатида халқнинг давлат ҳокимиятига бўлган ишончсизлиги кучайди.

Эслайман: Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида ректорлик қилган пайтимдаги битирувчилар 2015 йилда учрашув қиладиган бўлди. Аниқ бўлдики, 10 йил аввал даргоҳни тугатган 55 нафар курсдошнинг 49 нафари чет элда ишлаётган экан. Нима учун улар ўз мамлакатида иш тополмади ёки ишлагиси келмади? Аминман: бунинг сабаби уларда ватанпарварлик туйғуси етишмаганида эмас, ўша пайтдаги муҳит уларни Ватандан сиқиб чиқарган.

Мамлакатда деҳқонлар нима етиштириши ва уни қандай нархда сотиши юқоридан белгилаб қўйиладиган тартиб жорий қилиниб, пахта хомашёси қимматбаҳо экспорт моли ҳисобланса-да, фермерларга етиштирилган ҳосил учун дунё бозорларидаги нархнинг кичик бир қисми тўланар, пахта етиштириш даромадсиз бўлиб, деҳқонлар эски совет "мажбурлаш-буйруқбозлик" тизимида ишлаб келди. Шу сабаб пахта териш мактаб ўқувчилари, талабалар, ўқитувчи, шифокорлар ва бошқа "ҳашарчилар" зиммасига юкланар ва шу боис Ўзбекистон қатор халқаро "қора рўйхатлар"га киритилиб беобрў бўлиб қолган эди.

Таниқли иқтисодчилар Д.Ажемоглу, Ж.Робинсон ўзларининг 2012 йилда чиққан машҳур "Нима учун мамлакатлар муваффақиятсиз бўлади: ҳокимият, фаровонлик ва камбағалликнинг келиб чиқиши" деган китобида Ўзбекистонни "ҳозирги кунда экстрактив **(яъни аҳолининг кенг қатламлари ўз фаолиятидан келиб чиққан даромадларини тақсимлаш жараёнидан бебаҳра қиладиган — С.С.)** иқтисодий тизим туфайли таназзулга учраётган мамлакатлар" қаторига киритган эди.

Жаҳон Банки маълумотларига кўра, 2015 йилга келиб Ўзбекистонга келиб тушган хорижий инвестициялар ялпи ҳажми атиги 1,06 миллиард долларни ташкил қилди. Бу қўшни Қозоғистонга нисбатан 6 маротаба кам бўлган. Ҳатто Қирғизистон кўпроқ сармоя жалб қилишга қодир эди. Киши бошига келган инвестициялар бўйича Ўзбекистон минтақада энг сўнгги ўринни эгаллаб турган.

Дипломатиянинг олтин қоидаси — "душман орттириш осон, ҳамкор кўпайтириш даркор" принципини эсдан чиқарган эдик. Ўша даврда бизга хайрихоҳ, дўст давлатни топиш амримаҳол эди. Тутуриқсиз ташқи сиёсат сабабли Марказий Осиё ва Афғонистон — ён қўшни давлатлар билан, минг йиллик қон-қардош халқлар билан юзкўрмас бўлиб қолгандик. Бир чақирим нарида — чегара ортида яшаётган жигарларимизнинг иссиқ-совуқ маъракасида қатнашиш учун минг азобда қанчадан-қанча ҳужжатбозликларни енгиб, ҳадиксираб ўтиб, манзилга етиб боргунча маросим тарқаб, мулзам бўлиб, бир дардимиз икки карра ортарди.



***

2016 йилда давлат раҳбари сифатида фаолият бошлаган Шавкат Мирзиёевга ана шундай оғир юк мерос бўлиб қолганди. Давлатни ҳалокат ёқасидан олиб чиқиб кетиш фавқулодда чоралар, фавқулодда жасорат, фавқулодда шижоат талаб қиларди. Президент ана шу масъулиятни дадил зиммасига олди ҳамда бошқаларни ҳам ишонч билан ўз ортидан эргаштирди.

Буюк давлат раҳбарларига доимо хос бўлган фазилатлардан энг муҳими бу юксак тафаккур, ҳодисалар ривожини олдиндан кўриш, жараёнларнинг ривожи ва йўналишини илмий башорат қила билишдир.

Президентимиз жамиятимиз аҳволини чуқур таҳлилига асосланган ҳолда янгиланган ички ва ташқи сиёсат дастури зарурлигини асослаб берди ва илгари сурди. Ўзгаришлар жамиятимиз, давлатимиз ривожланишининг янги мафкурасини белгилади. Халқ анчадан бери кутилган ўзгаришларни қўллаб-қувватлади. Чунки ислоҳотлар инсонлар орзу-истаклари ва умидларига ҳамоҳанг эди.

Мен учун бир нарса равшан: агар ўз вақтида давлат бошқарув тизими тубдан такомиллаштирилмаганда, жойларга янги ваколатлар берилмаганда, парламент, фуқаролик жамияти, оммавий ахборот воситалари роли кўтарилмаганда, иқтисодий ислоҳотлар бошланмаганда, инсон ҳуқуқини кафолатлашга янгича ёндашув татбиқ этилмаганда ва батамом янги ташқи сиёсат олиб борилмаганда — бугунги кунда мамлакатимиздаги вазият ниҳоятда оғир бўлар эди.

***

Ҳаракатлар стратегияси нафақат энг етук мутахассислар, балки халқ, кенг жамоатчиликнинг фикр ва мулоҳазаларини ўзида мужассамлагани унинг идрокий қувватини янада оширди.

Жамиятимизнинг ҳар бир қатламида, барча ҳудудларда ушбу ҳужжат жонли, катта қизиқиш билан муҳокама этилганига барчамиз гувоҳ бўлдик. Минглаб таклифлар илгари сурилди ва бу халқимизнинг ортиб бораётган сиёсий онги ва фаоллиги, мустаҳкам ижтимоий позицияси ва бўлаётган ҳодисаларга дахлдорлиги, бефарқ эмаслигининг далолатидир.

Ҳаракатлар стартегиясининг аҳамияти фақатгина назарий масалалар билан чекланмайди, албатта. Бу ҳужжатда мамлакатимизни ислоҳ этиш учун зарур бўлган амалий чоралар дастури аниқланган. У аввало, Ўзбекистон миллий манфаатларини таъминлаш, айни вақтда умумбашарий демократик жараёнларнинг чуқур таҳлили асосида ишлаб чиқилган бўлиб, унинг ғоялари умуминсоний тараққиёт тамойилларига тўла-тўкис мос тушади.

Ушбу ҳужжатга ватанимиз ва хорижда катта эътибор қаратилди ва чуқур қизиқиш билан ўрганилди. Яхши эслайман, ўша кезларда Ўзбекистонга ташриф буюрган Жаҳон Банкининг вице-президенти С.Миллер билан бўлган суҳбат чоғида Ҳаракатлар стратегиясини синчиклаб ўрганиб чиққанини қайд этиб, шуни таъкидладики, "бу жуда кучли, муайян равишда тарихий ҳужжат. У Ўзбекистонда янги давр бошланганини ифодалайди ва унда мамлакат ривожида янги динамикани белгиловчи янгича дунёқараш ва янгиланган ёндашувлар баён этилган".

***

Фикримча, янгиланган сиёсатнинг энг муҳим, кўзга ташланадиган моҳияти шундан иборатки, у баландпарвоз, ҳавойи шиорларга асосланган дастурлардан воз кечиб, том маънода **инсон эҳтиёжларини** илгари суришни ўзининг асосий ва бош мақсади деб белгилади. Шу жумладан, ҳудудлардаги вазиятга холисона назар ташлаш, одамларни безовта қилаётган муаммоларни беркитмасдан уларни ҳал қилиш йўлларини излаш, топиш ва ечиш ётади.

Ҳаракатлар стартегиясида замонамизнинг энг долзарб муаммоларидан бири — тараққиёт назариясига оид батамом **янги сўз** айтилди. Аввалambор, бу Президент Шавкат Мирзиёевнинг иқтисодиётни тубдан модернизация қилиш учун чуқур сиёсий ислоҳотлар, давлат бошқарув тизимини зарурлигини ҳар томонлама асослаб беришига тааллуқлидир. Ушбу чуқур, Европа ва Осиё давлатлари тажрибаси таҳлили асосида қилинган хулоса шуни исботлайдики, жадал иқтисодий ўсиш, ривожланган бозор иқтисодиёти, хорижий инвестицияларни жалб қилиш замонавий сиёсий тузилма — ривожланишнинг ҳуқуқий асосларини барпо этиш ва такомиллаштиришни талаб қилади.

Бежиз эмаски, Ҳаракатлар стратегияси айнан давлат бошқарув ва суд-ҳуқуқ, инсон эркинликларини таъминлаш тизимларини такомиллаштиришга бағишланган қисмлардан бошланади. Кеча одамларни бесабаб қувиб юрган ички ишлар ходимлари бугун чинакам ҳуқуқ муҳофазачисига, халқ хизматчисига айланяпти. Прокуратура вакиллари юртдошларимизга қандай ёрдам керак деб, уйма-уй юришибди. Қачон шундай бўлган?

Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш натижасида ҳокимиятга янги авлод сиёсатчилар келмоқда. Улар аксарият ҳолда жаҳоннинг энг нуфузли университетларида таълим олган, дунё кўрган, шижоатли шахслар. Барча даражадаги давлат органлари ва бўғинлари фаолиятига тобора шаффофлик, ҳисобдорлик хос бўлмоқда.



> ЖАМИЯТИМИЗНИНГ ҲАР БИР ҚАТЛАМИДА, БАРЧА ҲУДУДЛАРДА УШБУ ҲУЖЖАТ ЖОНЛИ, КАТТА ҚИЗИҚИШ БИЛАН МУҲОКАМА ЭТИЛГАНИГА БАРЧАМИЗ ГУВОҲ БЎЛДИК. МИНГЛАБ ТАКЛИФЛАР ИЛГАРИ СУРИЛДИ ВА БУ ХАЛҚИМИЗНИНГ ОРТИБ БОРАЁТГАН СИЁСИЙ ОНГИ ВА ФАОЛЛИГИ, МУСТАҲКАМ ИЖТИМОИЙ ПОЗИЦИЯСИ ВА БЎЛАЁТГАН ҲОДИСАЛАРГА ДАХЛДОРЛИГИ, БЕФАРҚ ЭМАСЛИГИНИНГ ДАЛОЛАТИДИР.

Йиллар мобайнида четга чиқариб қўйилган фуқаролик жамияти жонланмоқда. Айнан шу аснода пандемия даврида ижтимоий ҳамкорлик, инқирозга қарши чораларнинг миллий протоколи яратилди. Оммавий ахборот воситалари том маънода халқ овози, тўртинчи хокимиятга айланмоқда, катта аудиторияга эга бўлган қарийб 300 га яқин хусусий ва идоравий Интернет нашрлари ташкил этилди. Сиёсатчиларимиз, ҳукумат ва парламент аъзоларини халқ энди танимоқда. Инсонларда дахлдорлик ва унинг натижасида масъулият пайдо бўлмоқда.

Ҳаракатлар стратегияси асосидаги ислоҳотлар **иқтисодий маневр** қобилиятини яратди. Жаҳон иқтисодиётидаги муаммоларга қарамасдан янги ислоҳотлар йиллари мобайнида Ўзбекистон иқтисодиёти 20 фоизга ўсди.

Ниҳоятда оғир пандемия шароитида, унинг оқибатларини юмшатиш ва бартараф этиш учун давлат томонидан 82 триллион сўмлик (қарийб 8 миллиард АҚШ доллари) комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Аҳолининг асосий қисми ўзининг даромад манбалари ва турмуш даражасини сақлаб қолишига эришилди. Нуфузли молия ташкилотлари дунёдаги саноқли мамлакатлар қаторида Ўзбекистонда иқтисодиётнинг пасайишига йўл қўйилмаганини таъкидламоқда.

Карантин чекловларига қарамасдан, кенг кўламли бунёдкорлик ишлари изчил давом эттирилди. Мисол учун, 1985 йилда, яъни собиқ совет давлати энг кучга тўлган пайтда Тошкент шаҳрида 1 миллион кв. метр турар жой қурилган эди. 90-йилларда бу кўрсаткич минимал даражага пасайиб кетди. Ўтган йили, пандемия билан боғлиқ чекловларга қарамасдан пойтахтимизда 4 миллион кв.метр уй-жой барпо этилди.

Мамлакат тарихида биринчи бор камбағаллик муаммосининг мавжудлиги тан олиниб, камбағал қатлам аҳолининг 12-15 фоиз атрофида эканлиги таъкидланди. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ташкил қилинди. Барча туман ва шаҳарларда, ҳар бир маҳаллада эҳтиёжманд оилалар, аёллар ва ёшлар билан манзилли ишлаш бўйича мутлақо янги тизим жорий этилди. Пандемия шароитида бу тизим орқали 527 минг фуқаронинг бандлиги таъминланди.

***

Ташқи сиёсат соҳасига оид муҳим янги ёндашувлар татбиқ этилди, том маънода бурилиш амалга оширилди. Ўзбекистон ташқи сиёсати батамом янги характерга ва янги мазмунга эга бўлди. Чинакам миллий манфаатларни илгари сурувчи ташқи сиёсат вужудга келди.

Унинг негизида давлатлараро объектив қарама-қаршиликлар ва табиий манфаатлар тўқнашуви, мавжуд бўлган муаммолар бўйича мулоқотга тайёрлик, миллий манфаатларни сўзсиз ва қатъий қўллаб-қувватлаган ҳолда оқилона муросага интилишга бўлган муносабатни намойиш этиш ётади. Бу мамлакат янги раҳбариятининг минтақадаги вазиятни чуқур англаши, муаммоларни ҳал қилишга янгича ёндашиши ва мамлакатнинг халқаро обрўсини мустаҳкамлаш омилининг ифодаси бўлди.

Ўнлаб йиллар давомида энг юқори даражадаги кўп томонлама мулоқот деярли йўқлигидан сўнг, Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари ўртасида расмий ва норасмий алоқалар амалиёти тикланди. Яқинда муқаррар бўлиб кўринган минтақа давлатлари ўртасидаги тўқнашувлар энди бемаъни сценарийга ўхшайди.

> **Бугунги кунда ҳеч қандай кўп томонлама минтақавий тадбир Афғонистон вакилларисиз ўтмайди. Ва ҳозирги кунда ушбу мамлакат минтақавий жараёнларнинг узвий қисми сифатида қабул қилинмоқда. Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан минтақани денгиз портлари билан боғловчи транс-афғон темирйўл йўлаги масаласи кўндаланг қўйилди. Бу Марказий Осиёнинг жаҳон иқтисодий алоқаларида иштирок этиш салоҳиятини оширадиган стратегик лойиҳаларни татбиқ қилишда мисли кўрилмаган имкониятларни очиб беради.**

Давлатимиз раҳбари ўзининг биринчи хорижий ташрифларини айнан қўшни давлатлардан бошлагани эътиборга сазовор. Эсимда, 2017 йилнинг бошида Қозоғистонга бўлган ташриф чоғида қўшни мамлакат лидери, катта халқаро обрў ва таъсирга эга бўлган шахс Нурсултон Назарбоев чуқур самимият билан Ўзбекистон Президентига қарата "биз Сиз бошлаган ўзгаришларни 25 йил кутгандик" деган эди.

Агар Президентимизнинг ташқи сиёсий дастурига қисқа таъриф берилса, уни янги йўллар очиш стратегияси деб ифодалаш мумкин. Буни кенг маънода тушунмоқ лозим — ҳамкорлик, савдо, мулоқот учун тўсиқлар бартараф этилмоқда ва бу ўз самарасини намойиш қилмоқда.

Ҳаракатлар стратегиясининг ташқи сиёсатга оид қисми бу — ҳозирги замон шароитида Буюк Ипак йўлини қайта тиклаш дастуридир. Ўзбекистон орқали ўтадиган маршрутларнинг жозибадорлигини оширишга йўналтирилган стратегия муҳим аҳамиятга эга, чунки транзит салоҳияти — энг даромадли товар ҳисобланади.

Бу сиёсатнинг мақсади фақатгина тор маънодаги иқтисодий самара эмас. Президентимиз таъбири билан айтганда: "бир пайтлар мамлакатларимиз ҳудудидан ўтган ва бутун сайёрамизнинг асосий транспорт артерияси бўлган Буюк Ипак йўлининг янги шароитида қайта тикланишини... тинчлик ва фаровонликни таъминлашни англатади".

Ҳаракатлар стратегиясининг амалий натижалари ҳақида гап кетганда алоҳида таъкидлаш керакки, халқаро миқёсда **янги, батамом ўзга қиёфага эга Ўзбекистон пайдо бўлди.** Мамлакатнинг жаҳондаги обрўси ва таъсири мисли кўрилмаган даражада кўтарилди.

Бунга мисоллар кўп. Улардан биттаси — БМТнинг Оролбўйи минтақаси учун Инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик асосида "Траст фонди"нинг тузилишидир. Президентимиз томонидан 2017 йилда илгари сурилган бу ташаббус қисқа давр мобайнида амалга оширилиши ўзбек дипломатиясининг катта ютуғи бўлди.

Маълумки, халқаро кредитлар ҳаммага ҳам берилмайди. Юртимизда эса бугун 3 миллиард долларлик имтиёзли кредит ва грантлар жалб этиш дастури амалга оширилмоқда. Уларнинг 700 миллиони ишбилармонлар ва банкларни қўллаб-қувватлашга, 300 миллиони коммунал хўжалик инфратузилмаси узлуксиз ҳаракат қилишини таъминлашга йўналтирилади. Яқинда Осиё Ривожланиш Банки Ўзбекистонга тиббиёт тизими ва эпидемиологик хизмат модернизациясига 100 миллион доллар ажратишини эълон қилди. Пандемия туфайли, иқтисодиёт мураккаб даврни бошидан кечираётган паллада бу пул қаердан олинарди?

***

Ўзбекистоннинг тамоман янги мазмунга эга бўлган ташқи иқтисодий фаолияти асослари шаклланди.

Бугунги кунда инвестициялар учун глобал ва минтақавий рақобат кучли — агар илгари инвесторлар бозорларга кириш учун курашган бўлса, энди давлатлар капитални жалб қилиш учун рақобатлашмоқда.

Стратегияни ишлаб чиқиш пайтида Президентимиз берган биринчи кўрсатмалардан бири бу инвестицияларни жалб қилиш соҳасидаги ишларнинг ҳолатини танқидий таҳлил қилишдан иборат бўлди. Сўнгги йилларда Стратегияни амалга ошириш доирасида ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш ва хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг ҳуқуқий ва институционал асосларини яратиш бўйича муҳим ишлар амалга оширилди.

Сармоялар сиёсати натижаси ўлароқ иқтисодиёт тизимида жиддий ижобий ўзгаришлар юз бермоқда. Ўзбекистонга сармоя йўналтираётган давлатлар сони 50 дан ошди. БМТнинг ЮНКТАД ташкилоти маълумотига кўра мамлакат Марказий Осиёда инвестициялар оқимининг ўсиши кўрсаткичи бўйича етакчи давлатга айланди.

Бир неча йил аввал пахта толасининг атиги тўртдан бири ўзимизда қайта ишланган бўлса, яқин келажакда барча етиштирилган пахта ҳосили мамлакатимизнинг ўзида қайта ишланади. Бу эса миллий даромад ортишига олиб келмоқда. Агар авваллари катта машаққат билан етиштирилган пахта экспортидан кўпи билан 1 миллиард доллар атрофида даромад олинган бўлса, ўтган йил ўзбек тайёр текстиль маҳсулоти мамлакатга 2 миллиард доллар фойда келтирди.

Ўзбекистон ўз суверен рейтингига эга бўлди ва жаҳон халқаро молиявий бозорида тўлақонли аъзо сифатида фаолият бошлади. Европа Банки миллий валютамизда биринчи кредитларни берди — бу жуда катта ютуқ.

***

Ҳаракатлар стратегияси — амалий ҳаракат дастуридир. Ўзбекистоннинг янгиланган ички ва ташқи сиёсати жамиятимизда катта умидларни уйғотди. Мавжуд муаммоларга қарамасдан, бу сиёсат юртдошларимиз томонидан қўллаб-қувватланмоқда ва халқаро миқёсда ниҳоятда юқори баҳоланяпти.

Шу билан бирга, бир нарсани англамоқ лозим: ислоҳотлар, агар улар чинакам ислоҳотлар бўлса, ҳеч қачон осон ўтмайди. Инсоният тарихи шуни уқтирадики, чуқур ислоҳотлар, айниқса, бошланғич босқичда, доимо муаммоларни, зиддиятларни кескинлаштиради. Ислоҳотлар учун вақт доимо тансиқ, улар ҳар доим таҳлика билан боғлиқ. Ўзгаришларни барқарорликка путур етказмасдан амалга ошира билиш — энг катта муаммо ва катта санъатдир.

Ишонч билан айтамиз: узоқни кўзлаган бугунги шиддатли саъй-ҳаракатларнинг хайрли натижалари узоқ куттирмайди. Бир неча йилларда Ҳаракатлар стратегиясининг бугунгидан ҳам ёрқинроқ самараларини кўрамиз.

Мурожаатномани ўқиб...

# КЎЗИМИЗ ҲАМ, ҚЎЛИМИЗ ҲАМ, ЮРАГИМИЗ ҲАМ БОТИР БЎЛСИН!

Бошланиши 1-бетда



Тожли оғуга эса, ҳозиргача 90 миллион киши — 7.84 миллиард дунё аҳолисининг 1,14 фоизи чалинди, ундан 2 миллионга яқини оламдан ўтди. Бир қараганда, янги оғу туфайли туғилган касалнинг жаҳон миқёсида тарқалишини билдирадиган пандемиянинг бу галгиси бир аср бурунгисидан енгилроқ кечаётгандек. Йўқ, бундай эмас, деб санаймиз. Ўтган юз йил ичида соғлиқни сақлаш тизимида, айниқса, юқумли касалликларнинг олдини олиш ва уларга қарши курашиш борасида юз берган кескин ижобий ўзгаришлар тожли оғу тиғини сусайтиришда ҳал қилувчи омиллардан бири бўлди, десак адашмаймиз. Яна бир омил эса Президентимизнинг мана бу сўзларида ўз ифодасини топган: “Кучли ва самарали бошқарув тизимига, бир ёқадан бош чиқариб яшайдиган аҳолига эга бўлган давлатлар пандемиянинг кенг тарқалиш хавфини ўз вақтида бартараф этишга қодир бўлади”.

Демак, самарали тиббиёт ва бошқарув тизимларисиз тожли оғуни енгиб бўлмайди ва **“буни Ўзбекистоннинг пандемия давридаги кураш тажрибаси ҳам исботлаб турибди”.**

Масалага хоҳ фалсафий, хоҳ воқелик нуқтаи назарларидан ёндашайлик, пандемия фожиаси кишилик ва ҳар бир давлат ҳамда миллат учун ўзига хос имтиҳон бўлганини кўпчилик тан олмоқда. Шу маънода, тожли оғу юртимизга хавф туғдирган илк кунлардан унга қарши кураш ишига бош-қош бўлган миллий етакчимиз илгари сурган уч омилга пандемиядан-да кўра кенгроқ доирада тўхталиб ўтишни жоиз санаймиз: синов, миллатни асраш ва жараёндан кучли бўлиб чиқиш.

## СИНОВ

Қадимги Турон ерларига одам қадами етганига 1 ярим миллион йил тўлгани ҳақида илмий қарашлар бор. 7-8 минг йил олдин ўтроқ экин-тикинчилик маданияти шакллана бошлагани ҳам яхши маълум. Ўзбеклар юртида шаҳарчилик куртак ёзганига ҳам 4 минг йил бўлган. Орадан минг йил ўтиб эса, аждодларимиз давлатчилик асосларини ярата бошлаган.

Камида 2700 йиллик давлатчилик ўтмишига эга биз ўзбеклар кишиликнинг “бешиги”ни тебратганларданмиз, десак ошириб юбормаган бўламиз. Жаҳон халқлари тарихининг сўнгги деярли 3000 йиллик тараққиётида юз берган ҳал қилувчи ўзгариш, бурилиш, “уйғониш”ларнинг кўпчилиги айнан биз ва ўзагида биз турган кенглик билан боғлиқлигини ҳеч ким инкор қилолмайди.

Бироқ охирги беш асрда сустлашдик, сустлашганда ҳам ёмон сустлашдик. Буни ўша испанча грипп тарқалиши-ю большевиклар балоси пайдо бўлишига сал қолиб турган 1917 йил ёзида улуғ жонкуярмиз Абдурауф Фитрат ҳам сезган: **“Эй Улуғ Турон, арслонлар ўлкаси! Сенга не бўлди? Ҳолинг қалайдир? Нечук кунларга қолдинг? Эй Темурнинг...шонли бешиги! Қани у чиқдиғинг юксак ўринлар? Қуллик чуқурлариға недан тушдинг?! Дунёни “урҳо”лари билан титраткан йўлбарс юракли болаларинг қани? Ер тупроғини кўкларга учиратурған тоғ гавдали ўғлонларинг қани? Нечун товушлари чиқмайдир? Ер юзининг бир неча полвонлари бўлган ботир туркларинг қани? Нечун чекиндилар? Нечун кетдилар? Кураш майдонларини ўзгаларга нечун қўйдилар? Нечун... нечун... нечун..?**

**Гапур менга, эй Улуғ Турон, арслонлар ўлкаси! Сенга не бўлди?! Ер юзининг буюк салтанатларини сен қурмадингми? Ҳиндистоннинг, Эроннинг, Оврўпанинг улуғ ҳоқонларини сен юбормадингми? Эй ҳоқонлар ўчоғи! Эй қаҳрамонлар туғилган ер! Қани у чақмоқ чақишли ботир ҳоқонларинг? Қани аввалғи ўқ юрушли, отли бекларинг? Нечун “урҳо”ларинг эшитилмайдир?**

**...Кучингми кетди? Кимсасизми қолди? Йўқ... йўқ... Тангри ҳаққи учун йўқ!.. Сен кучсиз эмассан, сен кимсасиз эмассан! Эй Улуғ Турон, арслонлар ўлкаси! Қайғурма! Эски давлатинг, эски салтанатинг, эски йигитларинг, эски арслонларинг ҳаммаси бор, ҳеч бири йўқолмамишдир. Ёлғиз... Оҳ, ёлғиз... тарқалмишдир”.**

Буюк аждодимиз тўғри илғаган: чиндан ҳам тарқалмиш ҳолатига тушгандик. Йўқолмиш эмас! Бор нарса эса, ҳеч қачон йўқолмас. Уни тирилтирмоқ, тирилтирмоқ учун эса уйғотмоқ керак. Шу маънода, ўша испанча грипп жиловланиб, бироқ бошқа бир фалокат — большевиклар ҳукмронлиги ўрнатилганидан кўп ҳам ўтмай, 1923 йил кўкламида Мунавварқори Абдурашидхон юрагидан отилиб чиққан мана бу ҳақиқат эътиборга лойиқдир: **“Бир вақтлар Оврупа ваҳший экан, биз маданий эдик... Сўнгралари Оврупа халқи маориф ва маданият йўлида ишлади. Бу ҳолга етишди. Биз тушдек ухладик, ишламадик, бу ҳолга етишдик. Бу кунгача Оврупа халқи осмонга учар экан, бизда соч ва соқол низолари, оврупаликлар денгиз остида сузар экан, бизда узун ва калта кийим жанжаллари, Оврупа шаҳарлари бугун электр билан иситилур ва ёритилур экан, бизда мактабларда жўғрофия ва тиббиётни ўқитиш-ўқитмаслик ихтилофлари… давом этди”.**

Узоқ асрлар ичра тушдек ухлаганимиз рост. Улуғ ва тенгсиз тарихий тараққиёт йўлига эга бўла туриб, нега бу кўйга тушиб қолдик? Миллат ва давлат бўлиб ўзимиз учун курашиш қобилиятини йўқотганимиз учун шундай бўлди. Шу ўринда, 2019 йилнинг сўнгги кунларида Абдулла Қодирий номидаги ижод мактаби ва музейининг очилишида Президентимиз айтган мана бу фикрларни ёдга солган бўлардик: **Биз йўлимизни тўғри олдик. Қандай жараённи (!) бошдан кечираётганимизни ҳали кўпчилигимиз сезаётганимиз йўқ. Жадид боболаримизга ўхшаб, барча нарсадан воз кечиб миллат, халқ, юртнинг эртаси учун курашга тайёрмизми, биз нима учун бу кунларга келиб қолдик деган савол ҳаммамизни қийнаши керак.**

Ушбу чуқур сиёсий ва маънавий мағзига эга сўзларни таҳлили қуйидаги хулосага туртки бўлади: агар 2016 йил кузида йўлимизни тўғри танламаганимизда, яъни демократия, ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти, инсон ҳақлари ва эркинликлари, росмана бозор иқтисодиёти, очиқ ташқи сиёсатга асосланган босқичга дадил қадам қўйиб, қанчалик оғир бўлмасин, кейинги йилларда ҳеч бир оғишмай олға босмаганимизда, 2020 йилнинг фавқулодда қийинчиликларига бардош беришимиз амримаҳол эди. Бундан чиқди, ўтиб бўлган йилда пандемия баҳона туғилган ҳар томонлама оғир вазият сўнгги тўрт йил ичида яратилаётган Янги Ўзбекистон пойдеворини синовдан ўтказди. Унинг мустаҳкам эканини аввало ўзимиз, қолаверса, бутун жаҳон кўрди.

## МИЛЛАТНИ АСРАШ

Давлатимиз раҳбарининг тожли оғуга қарши кураш аслида миллатни асраш учун кураш экани борасида қайта-қайта уқдирганлари ҳам бор гап. Масаланинг айнан шу жиҳатига урғу бераётганимиз бежиз эмас. Чунки умуммиллий миқёсдаги барча оғирликларни халқнинг номидан халқнинг бўйнига юклаш биз учун, минг афсус, “анъана” бўлиб келган эди. “Мажбурий меҳнат”дек неча юз йиллик тавқи лаънатдан энди қутулдик. Ниманинг ҳисобидан ва қайси куч эвазига бунга эришолдик? Юрагимизга миллат қайғуси жойлангани учун шундай бўлди.

Моҳият эътибори билан олганда, Янги Ўзбекистонни қуришдан муддао ҳам аслида миллатни асраш ва рўшноликка чиқариш жараёнидир. Сўнгги йиллар тажрибаси миллатни асраш учун, аввало, унинг улуғлари ва уруғларини асраш лозимлигини кўрсатди. Бизга қолса, 2020 йилни Ўзбекистон учун тожли оғу эмас, Беҳбудийлар йили бўлди, деган бўлардик. Бу ерда гап сўз ўйинидагина эмас (“беҳбуди” яхшиликка бошлаш, интилиш, яхшиланиш, оёққа туришни билдиради).

Замондошлари томонидан Туркистон ўлкасининг бошлиғи, йўлбошчиси мақомига лойиқ кўрилган, миллат учун жонидан кечган шахснинг ўз ўлимидан юз йил, авлодлари мустақил бўлгач салкам ўттиз йилдан кейин юзага чиқиши тарихий адолатнинг тикланиши сифатида баҳоланмоғи даркордир. Ўтган йилги Мурожаатномада давлатимиз раҳбари Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг 145 йиллигини кенг нишонлаш ташаббусини ўртага ташлаганида бу улуғ зотнинг руҳи қанчалар қувонган экан! Абдулла Авлоний, Маҳмудхўжа Беҳбудий ва Мунавварқори Абдурашидхонов “Буюк хизматлари учун” ордени билан сийланганларида-чи!

Бундай ўйлаб қарасак, азиз бошларини кундага қўйиш орқали ўзбек учун буюк хизматни чиндан ҳам улар қилган эдилар. Шу маънода, миллий етакчимизнинг, **Абдулла Қодирий қандай замонда қаҳрамонлик қилган эди-ю, биз қандай даврда яшаб туриб ўзимизни кўрсатишимиз керак-ку, лекин қилмаяпмиз, деган саволга ҳар биримиз юрагимиздан жавоб беришими лозим,** деб айтганларини ҳеч қачон ёддан чиқармаслигимиз керак, деб санаймиз. Ҳақиқатан ҳам, солиштирганда, замонлар ўртасида ер билан осмонча фарқ бор: жадидлар сўнгги тўрт юз йиллик миллий маҳдудлик, охирги эллик йиллик мустамлакачилик асоратлари-ю истибдод ва қарамликнинг энг қабиҳини ўрнатиб бўлган большевиклар ойболтаси остида кун кечирганлар. Биз эса, бугун эркинмиз-ку! Энг муҳими, жадидлар орзусини рўёбга чиқариш иши Президент, давлат сиёсатига айланганига ахир тўрт йил бўлди.

Мири кам дунёчиликнинг бу тескаричилиги сабаби жуда оддий деб ўйлаймиз. Асрдан-асрга, авлоддан-авлодга сифатимиз кета бошлагани, миллатимиз ва давлатимиз қаддини тик кўтариб, ҳар қандай синовларга дош бериб келган ўзагимиз — илму маърифатдан юз ўгирганимиз учун шундай бўлдик. Миллатни асраш учун унга замонавий ва илғор билим ҳамда касб-кор бериш заруратидан юз ўгирганимиз учун шундай бўлдик. Шу маънода, кишилик тарихидаги энг оғир, айрим жиҳатлари билан олганда, ҳатто фожиаларга тўла 2020 йилда турмушимизда юз берган икки воқеага диққатни қаратган бўлардик.

Мактабгача таълим билан қамраб олиш даражаси 4 йил ичида 2 баробар ортиб, айнан ўтган йили 60 фоизга етиб, боғчалар сони эса 3 баробарга кўпайган. Олий таълимга қабул кўрсаткичлари эса, 2016 йилга нисбатан 2.5 баробарга ўсиб, 9 фоиздан 25 фоизга етган. Бутун дунё жон талвасаси-ю сув-нон фалсафаси билан банд бир паллада бу шунчаки рақамлар эмас, албатта. Балки энг оғир, важ-карсон қилинса, вазият кўтарадиган муҳитда ҳам илм-маърифат излаш йўлидан қайтилмайди, деганидир.

Давлат мустақиллигимизни тиклаганимизга бағишланган ҳар йилги тантана азиз, бироқ 29 йилликнинг ўз ўрни бор деб ўйлаймиз. Гап мазкур байрам пандемия даврига тўғри келганида эмас, балки миллий етакчимиз томонидан билдирилган мана бу тарихий ҳақиқатдадир: **“Ўзбекистонда янги бир уйғониш — Учинчи Ренессанс даврига пойдевор яратилмоқда, десак, айни ҳақиқат бўлади. Чунки бугунги Ўзбекистон — кечаги Ўзбекистон эмас. Бугунги халқимиз ҳам кечаги халқ эмас”.**

Демак, орадан беш асрдан кўпроқ муддат ўтиб, биз ўз ўзанимизга қайтдик. Худди шу куни темурийлардан сўнг йўқликка мубтало қилинган, кейинги ярим минг йиллик (!) азобланишларимиз, ўзлигимизни топишимиздаги сарсон-саргардонликларимиз даврига узил-кесил нуқта қўйилди, деб ишонамиз. Негаки, узоқ ўтмиш мобайнида не-не балоларга гирифтор бўлган миллатимизни асраш ва қайта оёққа турғазиш иши доимо уни уйғотиш, ўзига ишонтириш, илму маърифат билан қуроллантиришдан бошланганини ҳеч ким инкор этолмайди.

## КУЧЛИ БЎЛИШ

2020 йили бутун дунё тожли оғу билан курашди. Биз эса, устига-устак Бухоро ва Сардобада юз берган кўргиликларга ҳам дош беришимизга тўғри келди. Булари-ку, майли, улар баҳона Янги Ўзбекистонимизга ёғдирилган, 2016 йил кузида бошланган тарихий босқични обрўсизлантириш, бизни яна яланғочлаб эски тосга ўтқазиб, устимиздан яна ғафлат мағзавасини қуйиш орқали табиий ва моддий бойликларимизни талаш, чиқиб бўлган тилимизни кесиш, очилиб бўлган кўзимизни сўқирлаш, ҳақиқатни эшитишга ўрганиб бораётган қулоқларимиз пардасини йиртиб ташлаш, ишга ўрганиб қолган қўлларимизни кесиш, оқ билан қорани ажратиб олишни эплаётган одамларимизни йўлдан уриш мақсадида қилинган уринишлар-чи?

Бироқ улар кутгани бўлмади, ўзбек давлати ва миллатининг эмас, уларнинг расвоси чиқди. Мурожаатномадаги мана бу ҳақиқатлар эса, эркин инсон, ўз йўлини топиб олган халқ, йил қандай келишидан қатъи назар кўп нарсага қодир бўлишини исботлади-қўйди: ўтиб бўлган йилда 197 та йирик, минглаб кичик ва ўрта корхона, жумладан, “Навоийазот”да аммиак ва карбамид ишлаб чиқариш мажмуаси ҳамда азот кислотаси корхонаси, Муборак, Газли ва Шўртан нефт-газ корхоналарида суюлтирилган газ ишлаб чиқариш қурилмалари, Тошкент металлургия корхонаси, 2 та янги метро бекати ва илк бор 18 километрлик ер усти метроси қурилди. Умумий қиймати 2 миллиард долларга тенг 6 та янги электр станциясини барпо этиш ишлари бошланиб, тадбиркорлик субъектларига 100 триллион сўм ёки 2016 йилга нисбатан қарийб 4 баробар кўп кредит ажратилгани ҳам қўшиб мулоҳаза қилинса, барчаси ўз ўрнига тушади-қолади.

Булар айтишга осон, амалда, ҳатто тинчлик, иқтисодиёт бир маромда ривожланаётган пайтларда ҳам ҳар қандай давлатнинг қўлидан келмайдиган марралардир. Шу маънода, айрим атоқли мамлакатларнинг тожли оғу авжига чиққанда ҳам чекловлар ўрнатишдан воз кечганларининг асл сабаби ўз иқтисодий имконларини яхши билганлари билан боғлиқдир, десак ошириб юбормаган бўламиз.

Энг муҳими, Мурожаатномада келгуси йили таълим, илм-фан, маданият, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя соҳаларида бажарилиши лозим ишлар кўлами ва сарф-харажатига кўз ташлар эканмиз, миллий иқтисодимиз имконларини чамалаймиз. 2020 йил синовларидан кучли бўлиб чиққанимизга ишонамиз. Буёғига биздан нима талаб қилинишини ҳам миллий етакчимиз халқчил қилиб айтдилар-қўйдилар: **“Халқимизда “Кўз — қўрқоқ, қўл — ботир”, деган чуқур маъноли ибора бор. Бугунги шароитда бизнинг кўзимиз ҳам, қўлимиз ҳам, юрагимиз ҳам ботир бўлиши керак. Белимизни маҳкам боғлаб, пок ният билан меҳнат қилсак, шубҳасиз, кўзлаган марраларимизга эришамиз”.**

**БУЛАР АЙТИШГА ОСОН, АМАЛДА, ҲАТТО ТИНЧЛИК, ИҚТИСОДИЁТ БИР МАРОМДА РИВОЖЛАНАЁТГАН ПАЙТЛАРДА ҲАМ ҲАР ҚАНДАЙ ДАВЛАТНИНГ ҚЎЛИДАН КЕЛМАЙДИГАН МАРРАЛАРДИР. ШУ МАЪНОДА, АЙРИМ АТОҚЛИ МАМЛАКАТЛАРНИНГ ТОЖЛИ ОҒУ АВЖИГА ЧИҚҚАНДА ҲАМ ЧЕКЛОВЛАР ЎРНАТИШДАН ВОЗ КЕЧГАНЛАРИНИНГ АСЛ САБАБИ ЎЗ ИҚТИСОДИЙ ИМКОНЛАРИНИ ЯХШИ БИЛГАНЛАРИ БИЛАН БОҒЛИҚДИР, ДЕСАК ОШИРИБ ЮБОРМАГАН БЎЛАМИЗ.**

---

“Янги Ўзбекистон” учун махсус

***Ўзбекистоннинг Малайзиядаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Равшан УСМОНОВ:***

# ЎЗБЕКИСТОН — МАЛАЙЗИЯ ҲАМКОРЛИГИ ЖАДАЛ СУРЪАТЛАРДА ДАВОМ ЭТАДИ

**Ўзбекистон ва Малайзия ўртасидаги ўзаро муносабатлар сўнгги йилларда тобора жадаллашиб бормоқда. БМТ, Ислом ҳамкорлик ташкилоти каби халқаро ва минтақавий ташкилотлар доирасида ҳам самарали ҳамкорлик мустаҳкамланмоқда. “Дунё” ахборот агентлиги мухбири Ўзбекистоннинг Малайзиядаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Равшан Усмонов билан икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик истиқболлари, ўтган йил эришилган ютуқлар ва янги йилда алоқаларни янада ривожлантириш борасидаги режалар ҳақида суҳбатлашди.**



— 2020 йил COVID-19 пандемияси барча мамлакатларда ҳаёт бир маромда кечишини издан чиқарди, иқтисодиётга путур етказди ва турмушнинг барча жабҳаларига жиддий таъсир кўрсатди. Эпидемия дипломатия дунёсини ҳам четлаб ўтмади. Хусусан, элчилар ва дипломатлар вазият туфайли ўзгарган шароитларга, музокаралар ва учрашувлар олиб боришнинг янги қоидаларига мослашишга мажбур бўлди.

Ўтган йил март ойи Малайзия ҳукумати мамлакатда чекланган ҳаракат тартибини жорий этиш ва 2021 йилнинг 31 мартигача давлат чегараларини ёпишга қарор қилганига қарамасдан, элчихонамиз кенгайтирилган режимда ишлашни давом эттирди. Ягона фарқ – дипломатлар виртуал дипломатиянинг техника ва кўникмаларини эгаллаши лозим бўлди.

Бугун видеоанжуманлар одатий ҳолга айланиб, виртуал дипломатия мисли кўрилмаган кўламларга етди, бу эса янги имкониятлар очмоқда. Аммо шу билан бирга дипломатия тамойиллари ўзгармаганини таъкидлаш лозим. Дипломатия хорижий шериклар билан дўстона алоқалар ўрнатиш, Ватанимиз манфаатларини илгари суриш, шунингдек, Ўзбекистон фуқаролари, хорижда яшаётган юртдошларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарали воситаси бўлиб қолмоқда.

Малайзия ва бутун дунёда ҳукм сураётган пандемия даврида элчихона мезбон мамлакат ҳудудида бўлиб турган талабаларимиз ва фуқароларимиз билан доимий алоқа ўрнатган. Ватанга қайта олмаган Ўзбекистон фуқаролари вақтинча яшаб турган жойларига Малайзияда умумий овқатланиш шохобчалари ёпилгани муносабати билан озиқ-овқат етказиб бериш ташкил этилди. Шунингдек, уларни юртимизга олиб келиш учун чартер рейслари йўлга қўйилди.

Малайзиянинг коронавирусга қарши курашиш, шунингдек, соғлиқни сақлаш, таълим, илм-фан, туризмни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш соҳаларида тўплаган илғор тажрибасини ўрганиш мақсадида Ўзбекистон ҳамда ушбу мамлакатнинг етакчи тиббиёт, таълим муассасалари ва сайёҳлик компаниялари вакиллари ўртасида видеоконференция ва вебинарлар ташкил этилди.

**— Бугунги кунда ўзаро муносабатларимиз қандай ривож топмоқда?**

— Ўзаро ҳамкорлик нуқтаи назаридан Ўзбекистон — Малайзия муносабатлари 2020 йилда ўзаро манфаатли, ишончли ва дўстона асосда жадал суръатларда ривожланишда давом этди.

Малайзияда юзага келган вазият ва жорий этилган чеклов чора-тадбирларига қарамасдан, элчихона ушбу мамлакат билан икки ва кўп томонлама ҳамкорликни кенгайтириш, икки давлат расмийларининг учрашувлари чоғида эришилган келишувларнинг ижросини таъминлаш, ҳукуматлараро ва идоралараро даражада имзоланган шартномаларни бажаришга қаратилган ишларни давом эттирди.

Хусусан, Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари — инвестициялар ва ташқи савдо вазири Сардор Умурзоқов ва Малайзия халқаро савдо ва саноат вазири Муҳаммад Азмин Али, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари Акмал Саидов ва Малайзия парламенти вакиллар палатаси Спикери ўринбосари Мох Рашид бин Хаснон ўртасида видеоалоқа воситасида музокаралар ташкил этилди.

Шунингдек, Малайзия парламенти вакиллар палатаси Спикери, ташқи ишлар вазири, тадбиркорликни ривожлантириш вазири, транспорт вазири, туризм, санъат ва маданият вазири, дин ишлари бўйича вазири, фан, технологиялар ва инновациялар вазири, соғлиқни сақлаш вазири, Куала-Лумпур шаҳри мэри ва бошқа расмийлар билан учрашувлар ўтказилди.

Бундан ташқари, Малайзия парламентида “Малайзия — Ўзбекистон” дўстлик гуруҳи, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида эса Малайзия билан парламентлараро дўстлик гуруҳи ташкил этилди. Бу, албатта, икки мамлакат ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг барча жабҳаларини янада ривожлантиришга хизмат қилади.

2020 йилнинг январь-октябрь ойларида ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 63 миллион долларни ташкил этди. Ўтган йил январь-ноябрь ойларида Ўзбекистон маҳсулотларини экспорт қилиш 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 69,4 фоизга ошиб, 10,2 миллион долларга етди. Шунингдек, элчихона томонидан тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш, Тошкент ва Хоразм вилоятларида қўшма инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича ҳам кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

Таълим соҳасидаги ҳамкорликнинг амалий натижаси ўлароқ, Урганч шаҳрида Хоразм вилоятидаги илк хорижий олий ўқув юрти – Binary халқаро университети очилди. Бундан ташқари, республикамиз диний-маърифий ва илмий тадқиқот муассасалари ҳамда Малайзия исломни англаш институти, Абу Райҳон Беруний номидаги Бизнес ва бошқарув республика олий мактаби ва Малайзия ислом молиялаштириш халқаро таълим маркази, Путра бизнес мактаби, шунингдек, “City University” хусусий университети ва Самарқанд давлат чет тиллар институти ва Бердах номидаги Қорақалпоғистон давлат университети ўртасида ҳамкорлик шартномалари имзоланди.

**— Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 29 декабрь куни Олий Мажлисга йўлланган Мурожаатномасида республикани янада ривожлантириш, жумладан, ташқи сиёсий фаолиятнинг устувор йўналишлари белгилаб берилди. Шу муносабат билан жорий йил давлатимиз раҳбари Мурожаатномасида белгиланган долзарб вазифаларни бажариш учун элчихона томонидан қандай ишларни амалга ошириш режалаштирилмоқда?**

— Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида соғлиқни сақлаш, инновация, таълим, ёшлар сиёсати, шунингдек, зиёрат туризмини ривожлантириш соҳаларидаги ислоҳотларга катта эътибор қаратилди. Бу ислоҳотларнинг амалга оширилиши халқимиз турмуш фаровонлигини янада юксалтиришга хизмат қилади.

Элчихонамиз жамоаси ўз фаолиятини мамлакатимиз раҳбарияти томонидан қўйилган долзарб вазифалар, шу жумладан, Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили доирасидаги чора-тадбирлар ижросини таъминлашга қаратади. Хусусан, жорий йил Малайзия университетларининг Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро ва Самарқанд вилоятларида филиалларини очиш орқали қурилиш, меъморчилик, сайёҳлик, тиббиёт, фармацевтика, мактабгача таълим, педагогика, тилшунослик, психология ва ахборот технологиялари соҳаларида малакали мутахассисларни тайёрлаш бўйича университетлараро ҳамкорликни фаоллаштириш режалаштирилган.

Ўзбекистон билан Малайзия ўртасида соғлиқни сақлаш соҳасидаги шерикликни ривожлантиришга кўмаклашиш ҳам ҳамкорликнинг устувор йўналишларидан бири бўлади.

Элчихона Ўзбекистон ва Малайзия тиббиёт муассасалари ўртасида шериклик алоқалари ўрнатиш, пандемияга қарши курашишда илғор тажриба алмашиш, телетиббиёт воситасида қўшма тиббий маслаҳатлашувлар ўтказиш, малайзиялик шифокорларни онлайн операцияларга жалб қилиш, шунингдек, республикамиз минтақалари, жумладан, Қорақалпоғистонда қатор қўшма лойиҳаларни амалга ошириш, хусусан, клиникалар ва тиббиёт марказларини очиш бўйича иш олиб бормоқда.

Малайзия чегаралари 2021 йил 31 март кунигача ёпилганига қарамасдан, мамлакатимиз раҳбарияти томонидан юртимизга сайёҳлар оқимини янада ошириш, Ўзбекистоннинг зиёрат туризми имкониятларини кенг тарғиб қилиш бўйича белгиланган вазифаларни бажариш мақсадида дипломатик миссия жамоаси ўзбекистонлик ва малайзиялик шериклар билан биргаликда мазкур соҳадаги ҳамкорликни ривожлантириш бўйича янги ҳукуматлараро битим тузиш устида иш олиб бормоқда.

Мазкур ҳужжат Малайзия масжидларида жума намозлари чоғида мамлакатимизнинг маънавий-маърифий меросини кенг тарғиб қилиш, Ўзбекистон туризм саноати вакиллари учун вебинарлар ташкил этиш, “muslim friendly” ва “halal tourism” стандартларини жорий этиш бўйича тажриба алмашиш, Малайзия ислом туризми маркази экспертларини жалб этган ҳолда малай тили ўқув курсларини ташкил этиш, шунингдек малайзиялик шериклар билан ҳамкорликда Ўзбекистонда “зиёрат туризми” соҳасида кадрлар малакасини ошириш мақсадида Ўзбекистон — Малайзия марказини очиш каби лойиҳаларни ўз ичига олади.

Мухтасар айтганда, Ўзбекистоннинг Малайзиядаги дипломатик миссияси Ватанимиз равнақи ва фаровонлиги йўлида Ўзбекистон — Малайзия ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш ва кенгайтириш йўлида изчил фаолият юритишда давом этади.

**“Дунё” АА**

# АСОСИЙ ВАЗИФАМИЗ — ХОРИЖДА ЯШАЁТГАН ВАТАНДОШЛАРИМИЗГА КЎМАКЛАШИШ ВА АЛОҚАЛАРИМИЗНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ



*Рустамбек ҚУРБОНОВ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси раиси*

**Ҳозирги нотинч ва таҳликали замонда дунё ҳамжамияти олдида турган, инсоният дуч келаётган мураккаб муаммолар, хавф-хатарларни биргаликда бартараф этишда барча эзгу ниятли инсонларни, айниқса, қўшни мамлакатлар ва нуфузли халқаро ташкилотларнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштиришни бугун ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга навбатдаги Мурожаатномаси ўзининг долзарблиги ва стратегик аҳамияти билан сиёсатчи экспертлар, кенг жамоатчилик орасида катта қизиқиш уйғотди.

Давлатимиз раҳбарининг Мурожаатномасини тинглаб, унда билдирилган фикрлар, таклифлар, ҳаётбахш ғояларнинг мазмун-моҳиятини назаримда барча ҳамюртларимиз юрагидан ўтказди. 2020 йилда амалга оширилган ишларнинг тафсилоти, 2021 йилга мўлжалланган режаларни тўғридан-тўғри нафақат мамлакатимиз аҳли, шунингдек жаҳон ҳамжамияти ҳам кузатиб борди. Ушбу Мурожаатнома орқали ҳар бир соҳа вакили ўзи учун тегишли ва устувор бўлган вазифаларни белгилаб олгани, шубҳасиз.

Парламентга Мурожаатномада Президентимиз томонидан кўтарилган масалалар орасида ҳудудимизда яшаб келаётган кўпмиллатли халқимизнинг азалий дўстона муносабатларини янада мустаҳкамлашга қаратилган ташаббуслари шу соҳада давлатимиз раҳбари олиб бораётган оқилона сиёсатининг намунаси эканлигини яна бир карра исботлайди.

2019 йилги Мурожаатномада 30 июль — Халқаро дўстлик куни муносабати билан “Дўстлик” ҳафталигини ташкил этиш ҳамда ушбу ҳафталик доирасида “Дўстлик” халқаро форум-фестивалини ўтказиш таклифи илгари сурилди. Шунингдек “Халқлар дўстлиги” кўкрак нишонини таъсис этиш ҳақидаги ташаббус ҳам қўллаб-қувватланди. Бу йил эса, ушбу санани Ўзбекистонда “Халқлар дўстлиги куни” деб белгилаш таклифи, илгари сурилган ташаббусларнинг мантиқий давоми бўлди.

Президентимиз томонидан кўтарилган долзарб масалалар қаторида жамиятимизда миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш вазифасига ҳам алоҳида урғу берилгани бизнинг Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитамиз зиммасига ҳам катта масъулият юклайди.

Маълумки, ҳозирги кунда 10 миллиондан ортиқ ватандошларимиз хорижда яшаб келмоқда. Булар этник ўзбеклар ва Ўзбекистондан чиққан турли миллат вакилларидан иборат фуқаролар. Улар томонидан 170 га яқин жамият ва ташкилотлар тузилган. Мамлакатимизнинг сиёсати улар билан яқин алоқаларни тиклашга қаратилган. Дунёнинг кўплаб мамлакатларидаги ватандошларимизга кўмаклашиш, улар билан алоқаларимизни янада мустаҳкамлаш масалалари Қўмитамиз томонидан олиб борилаётган асосий йўналишларидан ҳисобланади. Давлатимиз раҳбарининг “Ватандошлар” жамғармасини тузиш таклифи хорижда истиқомат қилаётган юртдошларнинг мавжуд муаммоларини бартараф этишда, шунингдек, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда мустаҳкам асос бўла олади.

Президентимизнинг нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди фаолиятини жойлардаги долзарб муаммоларни ҳал этишга қаратиш таклифи тадбир иштирокчиларининг олқишларига сазовор бўлди. Айниқса, Қонунчилик палатасида нодавлат нотижорат ташкилотларининг доимий вакили институтини жорий этилиши миллий маданий марказлар ва дўстлик жамиятлари фаолиятини янада ривожлантиришга кенг имкон яратади.

Ўзбекистон миллий сиёсатининг энг муҳим, устувор йўналишларидан бири — бу барча миллат вакиллари учун тенг шароит ва имконият яратиш, миллатлараро муносабатларни уйғунлаштиришдан иборат.

Бу заминда истиқомат қилаётган турли миллат вакиллари “Ўзбекистон — умумий уйимиз!” шиори остида бирлашиб, тўю-тантаналар, турли байрамларни биргаликда нишонлашади. Энг асосийси, барча қардош ва биродар ватандошларнинг миллий урф-одатларини асраб-авайлаш учун зарур шароит яратилган. Бугунги кунда халқ дипломатияси мамлакатлар ўртасида ўзаро ишонч ва яхши қўшничиликни мустаҳкамлаш, қўшни мамлакатлар билан маданий-гуманитар алоқаларни кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, жамиятда миллатлараро тотувлик ва бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлашга қаратилган ишларимизни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш режалари ҳам бизнинг зиммамизга катта масъулият юклайди ва олдимизга қўйилган режаларимизни талаб даражасида бажаришга ундайди.

Мурожаатномада кўрсатиб ўтилган таклифларни бажаришга бор куч ва имкониятларимизни сафарбар қиламиз ва бу, ўз навбатида, жонажон юртимизнинг гуллаб-яшнаши, ҳукм сураётган миллатлараро тотувлик ва ўзаро ҳамжиҳатлик муҳитини яратиб беради, бу эса Ўзбекистоннинг дунёдаги ижобий имижини янада оширишга хизмат қилади.

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ СИЁСАТИНИНГ ЭНГ МУҲИМ, УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИДАН БИРИ — БУ БАРЧА МИЛЛАТ ВАКИЛЛАРИ УЧУН ТЕНГ ШАРОИТ ВА ИМКОНИЯТ ЯРАТИШ, МИЛЛАТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАРНИ УЙҒУНЛАШТИРИШДАН ИБОРАТ.**

# ОРОЛБЎЙИДАГИ АҲВОЛНИ ЯХШИЛАШ

## *глобал ҳаракатлар стратегиясини такомиллаштиришга хизмат қилади*

*Олим НАРЗУЛЛАЕВ Тошкент давлат юридик университети экология ҳуқуқи кафедраси профессори вазифасини бажарувчи, юридик фанлари доктори*

**Дунёда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва экологик хавфсизликни таъминлаш муҳим ижтимоий-ҳуқуқий масалалардан бири саналади. Глобал экологик жамғарма маълумотларига кўра, биологик хилма-хиллик йўқолишининг ҳозирги тезлиги сақланиб қолса, сайёрамиздаги жами ўсимлик ва ҳайвонот турларининг ярми 100 йилдан ҳам камроқ вақт ичида йўқ бўлиб кетиши мумкин.**



Президентимиз Олий Мажлисга Мурожаатномасида минтақамизда, бутун дунёда экологик вазиятнинг тобора ёмонлашиб бораётгани бизни жиддий ташвишга солаётганини билдирар экан, 2021 йилда қўшни давлатлар ва жаҳон жамоатчилиги билан биргаликда Орол денгизи ҳалокати оқибатида юзага келган экологик фожиалар таъсирини юмшатишга қаратилган ҳаракатларни қатъий давом эттирамиз, дея таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари Орол денгизининг қуриган тубида юз минглаб гектар ўрмон ва бутазорлар ташкил этилаётгани, Оролбўйи ҳудудларида амалга оширилаётган улкан қурилиш ва ободончилик ишлари халқимизни юксак марралар сари руҳлантираётганлигини, бу борада Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан ҳамкорликда тузилган Оролбўйи минтақасида инсон хавфсизлигини таъминлаш бўйича кўп томонлама Траст фонди доирасидаги амалий ишларни янада кучайтирилиши алоҳида эътироф этилди. Ушбу фонд айни пайтда оғир экологик ҳудудда яшаётган аҳолига амалий ёрдам кўрсатиш учун халқаро ҳамжамиятнинг таянч платформаси бўлиб хизмат қилади.

Мурожаатномада Орол денгизи ҳалокати оқибатида юзага келган экологик фожиалар таъсирини юмшатиш бўйича 2021 йил учун белгиланган устувор вазифалар, шубҳасиз, кейинги даврда амалга оширилган ишларнинг мантиқий давомидир. Орол денгизининг қуриган ҳудудларида “яшил қопламалар” ҳимоя ўрмонзорлари барпо этиш, экологик муҳитни барқарорлаштириш ҳамда табиий мувозанатни тиклаш мақсадида тизимли ишлар олиб борилмоқда. Натижада ушбу ҳудуддаги аҳволни яхшилаш учун бу ерда икки миллион гектар янги ўсимлик майдонлари ва дарахтзорлар яратиш, тупроқ қатламини шакллантириш бўйича улкан ишлар амалга оширилди.

Таъкидлаш керакки, Орол денгизининг қуриши собиқ шўро даврида сув ресурсларини нотўғри бошқариш ва фойдаланиш натижасида юзага келган энг катта экологик фалокатлардан биридир. Ер майдонларининг таназзулга учраши ва чўлланиши, сув ва ер ресурсларининг ифлосланиши ҳамда шўрланиши, ичимлик сувининг етишмаслиги, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг камайиши ва йўқолиб кетишига сабаб бўлди.

Экспертларнинг ҳисоб-китобларига кўра, Орол денгизидан ҳар йили 100 миллион тоннадан ортиқ чанг ва заҳарли тузлар атмосферага 1000 километргача тарқалади. Шунингдек, қурғоқчилик, қум ва тузли бўронлар каби ҳодисалар интенсивлиги ва такрорланиш тезлигининг босқичма-босқич ўсиб бориши кузатилмоқда.

Президентимиз 2020 йил 23 сентябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси 75-сессиясидаги нутқида Орол денгизи ва унинг атрофида амалга оширилаётган ижобий ишларга эътибор қаратиб, Оролбўйи минтақасини экологик инновация ва технологиялар ҳудуди, деб эълон қилиш ҳақида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг махсус резолюциясини қабул қилишни таклиф этди. Ушбу муҳим ҳужжат тасдиқланган санани эса, Халқаро экологик тизимларни ҳимоя қилиш ва тиклаш куни сифатида нишонлашни илгари сурди.

Ўтган қисқа вақт мобайнида мазкур муаммони аниқ ва тизимли ҳал қилиш мақсадида мамлакатимиз ташаббуси билан БМТнинг инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик Траст фонди ташкил этилди. Унинг асосий вазифаси Орол денгизи инқирозининг атроф-муҳитга ва Орол денгизи минтақасида яшовчи миллионлаб одамларнинг турмуш тарзига зарарли таъсирини камайтиришдан иборатдир.



Таъкидлаш керакки, экологик муаммоларни таҳлил қилиш ва амалий ечимларини ишлаб чиқишда муваффақиятга эришган хорижий давлатлар тажрибаси ўрганилган. Улардан келиб чиққан ҳолда, тегишли концептуал ҳужжатлар ишлаб чиқилган. Жумладан, 2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш Концепцияси қабул қилинди, “Оролбўйи — экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди” концепцияси лойиҳаси устида иш олиб бориляпти. Шу асосда Орол денгизи ва унинг атрофида амалга оширилаётган ишлар ва экология масалалари бўйича мутлақо янги тизим жорий этилиши кутиляпти.

Мурожаатномада ушбу йўналишдаги ишларга тизимли ёндашилган ҳолда, 2021 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан ҳамкорликда тузилган Оролбўйи минтақасида инсон хавфсизлигини таъминлаш бўйича кўп томонлама Траст фонди доирасидаги амалий ишлар янада кучайтирилади, экология соҳасида ҳамкорлик ва бу борадаги масалаларни йўлга қўйишга маблағлар йўналтирилади.

Хулоса қилиб айтганда, қўшни давлатлар ва жаҳон жамоатчилиги билан биргаликда Орол денгизи ҳалокати оқибатида юзага келган экологик фожиалар таъсирини юмшатишга қаратилган ҳаракатларни қатъий давом эттирилиши мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг узвий қисми ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, Мурожаатномада экология ва Орол масаласига яна бир бор алоҳида эътибор қаратилиши нафақат миллий манфаатларимизга, балки минтақа давлатлари ва жаҳон жамоатчилигининг экологик барқарор ривожланиш бўйича олиб бораётган чора-тадбирларга асос бўлиб хизмат қилади.



**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатли ҳимоя қилиш, қонун устуворлигини таъминлашга қаратилган ислоҳотлар янги йилда ҳам изчил давом эттирилиши маълум қилинди. Унга кўра, янги йилдан бошлаб фуқаролик, иқтисодий ва жиноят ишлари бўйича вилоят даражасидаги судлар битта суд сифатида бирлаштирилиши, суд муҳокамасига қадар судда ишларни дастлабки эшитиш амалиёти янги тартиб сифатида жорий этилади.**

# СУД-ҲУҚУҚ СОҲАСИДАГИ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ



*Баҳром САИДОВ, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси илмий кенгаши котиби, юридик фанлар доктори, доцент*

Бу жараёнда ишни тўхтатиш ёки тугатишга асос етарли бўлса, суд ишни аввалгидай тергов ёки прокурорга қайтармасдан, ўзининг якуний қарорини қабул қилади.

Ривожланган демократик давлатларда жиноятларнинг олдини олиш, содир этилган жиноятларни тез ва тўла очиш, айбсиз инсонни қонунга хилоф равишда жавобгарликка тортмаслик, одил судловнинг барча босқичларида тарафларнинг тенглигини таъминлаш инсон ҳуқуқлари бўйича умумэътироф этилган масалалар саналади. Шунингдек, процессуал мажбурлов чораларини асосли қўллаш, суд-тергов амалиётида шахсни қийноққа солмаслик, унга шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматини камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўлламаслик, чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, жиноятни фош этишда фаол кўмаклашгани учун шахсни жавобгарликдан тўлиқ ёки қисман озод қилиш, жабрланувчиларга етказилган мулкий зарарни қоплаш ҳамда жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш орқали фуқароларнинг ишончини қозониш устувор вазифалардандир.

Шу маънода, мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасидаги институционал ислоҳотлар доирасида маҳкумлар ва қамоққа олинган шахслар учун қулай шарт-шароитлар яратиш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этиш, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилаётгани эътиборга молик. Бу борада жиноят-ижроия қонунчилигини, шу жумладан, озодликдан маҳрум этиш жойларида маҳкумларни сақлаш шарт-шароитларини янада яхшилашни назарда тутувчи қонунчиликни такомиллаштириш концепцияси қабул қилинди. Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси билан ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этгани учун озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахсларнинг сайловларда иштирок этиши бўйича чеклов бекор қилинди. Айни пайтда Жиноят-ижроия кодексининг янги таҳририни ишлаб чиқиш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Айниқса, Қорақалпоғистон ИИВга қарашли 19-ихтисослаштирилган жазони ижро этиш колонияси (“Жаслиқ” колонияси)нинг тугатилиши, юртимиз шаънига доғ бўлиб тушган ёмон тамғали муассасадан воз кечиш ва халқаро майдонда Ўзбекистон имижини кўтариш, шунингдек, билиб-билмай жиноят содир этган юртдошларимизнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, хусусан, маҳбуслар сонини камайтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ана шундай инсонпарвар сиёсат туфайли ўтган қисқа даврда мамлакатимизда маҳбуслар сони икки баробар камайишига эришилди. Бу эса Ўзбекистон Президенти том маънода инсон ҳуқуқлари кафили эканининг амалий исботидир.

Мурожаатномада жазони ижро этиш тизимида инсонпарварлик тамойилини кенг қўллаш борасидаги ишлар давом эттирилиши, жумладан, халқаро стандартлардан келиб чиқиб, 25 та манзил-колония босқичма-босқич қисқартирилиши таъкидланди.

Бундан буён биринчи марта озодликдан маҳрум этилган шахсга берилган жазо енгилроғига алмаштирилса, у манзил-колонияга ўтказилмасдан, тўғридан-тўғри пробация назоратига олиниши, мазкур енгиллик натижасида ҳозир жазо ўтаётган 6 минг нафар шахсга ўз маҳалласи назоратида, оиласи бағрида бўлиш имконияти яратилиши қайд этилди.

Зотан, илғор хорижий тажриба ва халқаро стандартларга кўра, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазога ҳукм қилинган, жумладан, шартли ҳукм қилинган маҳкумларни аҳлоқан тузатиш, уларни жамиятдан ажратмаган ҳолда жамоатчилик билан узвий ҳамкорликда қайта тарбиялаш мақсадида ташкил этилган пробация хизмати бугунги кунда ўзининг ижобий натижасини бермоқда.

Мурожаатномада тезкор-қидирув, тергов ва жазони ижро этиш соҳасида қийноқларнинг олдини олиш тизимини тубдан такомиллаштириш зарурлиги, ушбу ҳолатлар ҳали ҳам учраб тургани, фуқароларда жиддий эътирозларни келтириб чиқараётгани таъкидланди.

Ҳақиқатан ҳам, шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш мақсадида олиб борилаётган ислоҳотларга қарамасдан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан ушлаб турилган, қамоққа олинган ва озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларга нисбатан қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш ҳолатлари учраётгани ачинарлидир.

Бу каби аянчли ҳолатлар мамлакатимизнинг халқаро нуфузига путур етказиб, рейтинг ва индекслардаги ўрнимизга таъсир кўрсатмай қолмайди. Шу боис Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўтган йил 22 июндаги “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони билан тасдиқланган Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг миллий стратегиясини амалга ошириш бўйича “йўл харитаси”да Ўзбекистон БМТнинг Қийноқларга қарши конвенцияси факультатив протоколига қўшилиши масаласини кўриб чиқиши белгиланган таҳсинга лойиқ.

Мурожаатномада қийноқларнинг олдини олиш бўйича Омбудсман ваколатларини кенгайтириш, жамоатчилик назоратини кучайтириш, Омбудсман томонидан ҳар чоракда жамоатчилик вакиллари билан биргаликда тергов изолятори ва жазони ўташ муассасаларига “мониторинг ташрифлари”ни амалга ошириш, Олий Мажлис палаталари ҳар йили Омбудсманнинг қийноқларнинг олдини олиш бўйича маърузасини эшитиб, бу иллатга бутунлай барҳам бериш бўйича зарур чора-тадбирларни белгилаши лозимлиги қайд этилди.

Ҳақиқатан ҳам, жиноят процессининг барча босқичида жамоатчилик назоратини кучайтириш юқорида қайд этилган салбий ҳолатларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга, жиноят ишларини юритиш жараёнида оммавий ахборот воситаларининг иштирокига кенг йўл очиш, жиноят ишини юритишга масъул бўлган мансабдор шахсларни ўқитиш, уларнинг малакасини ошириш жараёнига эътиборни кучайтириш, маънавиятини юксалтиришга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, жиноят ишларини юритишга рақамли технологиялар, илғор илмий-техник воситалар, шунингдек, замонавий иш усулларини кенг жорий этиш зарур.

Зотан, янги Ўзбекистонда Учинчи Ренессанс даври пойдеворини яратишда, энг аввало, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, уни олий қадрият даражасига кўтариш муҳим аҳамият касб этади.

**МУРОЖААТНОМАДА ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ, ТЕРГОВ ВА ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ СОҲАСИДА ҚИЙНОҚЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЗАРУРЛИГИ, УШБУ ҲОЛАТЛАР ҲАЛИ ҲАМ УЧРАБ ТУРГАНИ, ФУҚАРОЛАРДА ЖИДДИЙ ЭЪТИРОЗЛАРНИ КЕЛТИРИБ ЧИҚАРАЁТГАНИ ТАЪКИДЛАНДИ.**



14 январь — Ватан ҳимоячилари куни

# ОСОЙИШТАЛИК — ҲАЁТИМИЗНИНГ ИШОНЧЛИ КАФОЛАТИ

*Зокир САЙФУДИНОВ,*
*Тошкент ҳарбий округи қўмондони, полковник*

**Янги 2021 йилнинг илк кунларида Ватан ҳимоячилари куни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 29 йиллигини кенг нишонлар эканмиз, давлатимиз раҳбарининг, халқимизнинг, кенг жамоатчиликнинг юрт ҳимоячиларига бўлган юксак ишончи ва меҳру муҳаббатини чуқур ҳис қилмоқдамиз. Зеро, қадимдан ўз исботини топиб келаётган бир ҳақиқат бор, яъни юртнинг илмли, мард ва фидойи ёшлари ҳамиша халқдан куч-қувват олган.**



Бутун дунё аҳли учун таҳликали келган 2020 йилнинг сўнгги кунлари, янги йил арафасида барчамиз Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасини диққат билан тингладик. Давлатимиз раҳбари халқимизнинг, хусусан, эзгуликни ўзига шиор қилган фидойиларнинг, оғир кунларда эл дардига дармон бўлган мутахассисларнинг, ўз касбини ардоқлаб мамлакатимиз ривожига ҳисса қўшган ва қўшаётган ватандошларимизнинг хизмати ва меҳнатини алоҳида эътироф этдилар.

Мурожаатнома 2021 йилда ҳаётнинг барча жабҳаларини ислоҳ қилишга қаратилган фаолият йўналишларини белгилаб бергани билан аҳамиятли бўлди. Соҳалар кесимида бажарилиши керак бўлган устувор вазифаларнинг аниқ кўрсаткичлари акс этган Мурожаатномада қўйилган топшириқлар ва муҳим вазифалар ўтган йилдаги ишларнинг мантиқий давомини ўзида мужассам этди.

Президент таклифига мувофиқ, 2020 йилдаги юксак марраларни кўзлаб амалга оширилган ишларни давом эттириш ва юксак босқичга кўтариш мақсадида 2021 йил мамлакатимизда “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” деб эълон қилинди. Демак, бошланган йил Мурожаатномада баён қилинган ҳар бир устувор йўналиш ижроси билан давлатимизни тараққий эттирадиган, тинчлик-осойишталикни барқарор қиладиган йил бўлиб, мамлакатимиз тарихида янги саҳифа очади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев Мурожаатномада мамлакатимиз Қуролли Кучлари фаолиятига алоҳида тўхталди. Ўзбекистоннинг ҳудудий яхлитлиги ва халқимизнинг осойишта ҳаётини ҳимоя қилишда ишончли кафолат, тоғдек таянч бўлиб келаётган миллий армиямиз қўшинларида жанговар тайёргарлик, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, таъминот, ижтимоий муҳофаза йўналишларида бошланган ишлар изчил давом эттирилишини таъкидлади.

Дарҳақиқат, ўтган йил давомида қўшинларда жиддий ўзгаришлар, ислоҳотлар ўтказилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларини ривожлантириш, ҳарбий жамоаларга уйғоқ руҳни олиб кириш, жанговар тайёргарлик, таъминот ва бошқа йўналишларда тўпланган муаммоларни ҳал қилиш, лўнда қилиб айтганда армиянинг қиёфасини тубдан ўзгартириш учун жиддий ҳаракатлар амалга оширилди.

Дунёда содир бўлаётган ҳодисаларни, ҳарбий ва мудофаа соҳасидаги янгиликларни таҳлил этган ҳолда илғор тажрибаларни ўрганиш, ҳарбий хизматчиларни мутахассислигидан келиб чиққан ҳолда ҳар томонлама тайёрлаш борасида амалий ишларга қўл урилди. Бу жараёнда ҳарбий округимизда аскардан қўмондонгача, оддий хизматчидан тажрибали мутахассисгача — барча фаол иштирок этди. Натижада кўплаб ютуқларга эришдик. Пандемия шароитида ҳарбий хизматчиларимиз ўз бурчи ва мажбуриятларига виждонан ёндашиб, Ватан олдидаги қасамёдига содиқ қолдилар.

Қўшинларнинг жанговар хизмат фаолиятини такомилига етказиш бўйича дала-ўқув майдонларининг инфратузилмаси бутунлай қайта кўриб чиқилди. Ўқув жойлари зарур воситалар ва анжомлар билан жиҳозланди. Ҳар бир мутахассиснинг мураккаб шароитдаги кучли руҳий зўриқиши ва жисмоний юкламада чидамлилигини ошириш борасида жанг шароитидаги тарбиявий ишлар такомиллаштирилди. Ҳарбий хизматчилар исталган вақтда, ҳаракат ҳолатидан қатъи назар қўйилган вазифани бенуқсон бажара олишига эришиши учун энг замонавий ахборот-коммуникация технологиялари амалиётга жорий этилди.

Йил давомида “Мен ғолиб!” шиори остида ўтказилган жанговар тайёргарлик машғулотларида, танлов ва мусобақаларда интеллект ва таҳлилий тафаккур қўшинларни бошқариш, юқори технологияларга эга қурол-яроғларни ишонч билан қўллаш ва қўйилган вазифаларни бажаришга янгича ёндашувда муҳим аҳамият касб этди.

Давлатимиз раҳбари ва халқимизнинг юксак ишончига жавобан 2021 йилда ҳам мудофаа соҳаси ислоҳоти бўйича белгиланган вазифаларнинг сифатли амалга оширилиши, ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш орқали қўшинларни бошқариш тизимини, ҳарбий-ватанпарварлик, маънавий-маърифий йўналишдаги ишларни такомиллаштириш борасида қатор ишларни амалга оширишни мақсад қилиб қўйдик.

Инсон ўзлигини англагани, насл-насабини чуқурроқ билгани сари юрагида Ватанга муҳаббат туйғуси улғая боради, туғилиб ўсган юртига меҳри ортади. Бу Ўзбекистон тупроғида яшаётган, уни ўз она Ватани деб биладиган барча миллат ва элатларга бирдек дахлдордир.

Халқимиз бой тарих, юксак маданият ва буюк маънавиятга эга. Зеро, энг қалтис ва таҳликали даврларда миллатимизга умид ва ишонч берган, уни ёвларга қарши курашга ундаган, аждодларимизни илмий кашфиётлар, ҳарбий зафарларга, маърифат машъалини баланд кўтариб жаҳолатга қарши чиқишга чорлаган бекиёс куч маънавий жасорат туйғусидир.



Ватан ҳимоячилари куни байрами муносабати билан ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишларини тизимли, босқичма-босқич ва самарали ташкил этиш мақсадида, таълим муассасалари, маҳаллалар, энг чекка ҳудудларда, ҳарбий қисмларда ўтказилаётган турли ўйин ва мусобақалар, Қўмондон ва ёшлар учрашувлари, мардлик сабоқлари, маънавий-маърифий тадбирларда илғор ҳарбий хизматчилар, бой ҳаётий тажрибага эга бўлган Қуролли Кучлар фахрийлари, илм-фан, маданият ва спорт соҳаларида, турли мусобақа ва танловларда ғолиб бўлган ёш авлод вакиллари иштирок этмоқда. Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган “Ким Ватанга содиқ бўлса, мендирман ўша!” шиори мазмун-моҳиятига уйғун тадбирлар жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ўтказилмоқда.

Тарих синовидан ўтган ҳақиқат шуки, эзгу ғояларга, маънавий меросга, анъаналар ва замонавий талабларга асосланмаган ҳар қандай давлат тизими узоққа бормайди. Дунёда энг қийин иш инсонни тарбиялаш, унинг онгу тафаккурини шакллантириш, деган гап бор. Чунки, бу борада қуруқ сўз ва ҳатто билим-тажрибанинг ўзигина кифоя қилмайди. Бу борада авваламбор, инсон ўзининг амалий иши ва эзгу саъй-ҳаракатлари, фидойилиги билан мақсаднинг тўғрилиги, ҳаққонийлигини исботлаб бериши керак.

Бизнинг мақсадимиз оддий ва ҳаётий — ҳарбий хизматчилар, шу жумладан, ёшлар қалби ва онгида инсоний туйғулар қарор топиши, олижаноб фазилатлар устувор бўлишига эришиш. Табиийки, бунда фарзандларимизнинг нафақат билимини ошириш, балки улар қалбида мустақиллигимизни мустаҳкамлаш билан боғлиқ янгича тафаккур, янги ғояларни камол топтириш, уларни юртимиз тинчлиги, халқимиз фаровонлиги ва Ватанимиз тараққиётини таъминлаш йўлида эзгу ишларга рағбатлантириш, одамлар онгу шуурида ҳаётимизнинг турли соҳаларида олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотларга дахлдорлик, бунёдкорлик, келажакка ишонч ва шукроналик туйғуларини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади.

Тиббиёт

## ОНАЛИК ВА БОЛАЛИКНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ КУЧАЙТИРИЛАДИ

*Қизилгул ҚОСИМОВА,*
*Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш масалалари қўмитаси аъзоси*

**Таъкидлаш жоизки, бутун дунёда оналик ва болалик муаммолари мамлакатдаги фаровонлик ва сиёсий вазиятнинг акси сифатида намоён бўлади. Перинатал ва демографик кўрсаткичлар нафақат акушер-гинекологлар ва педиатрлар, балки соғлиқни сақлаш тизими раҳбарлари фаолиятидаги асосий кўрсаткичлардан бўлиб, давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан ҳисобланади.**



Чунки бу соҳа акушерлик ва тиббий хизматнинг ривожланиш даражасинигина эмас, шу билан бирга мамлакатнинг ривожланиш истиқболини ҳам акс эттиради.

Кейинги йилларда оналар ва болаларнинг сифатли тиббий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, уларга ихтисослашган ва юқори технологик тиббий ёрдам кўрсатиш, гўдаклар ва болалар ўлими ҳолатларининг олдини олишга қаратилган қатор қонунлар, Президентимизнинг фармон ва қарорлари қабул қилинди, чора-тадбирлар дастурлари ишлаб чиқилди.

Бу ислоҳотлар оналар, болалар ва ўсмирларга малакали, ихтисослаштирилган ва юқори технологик тиббий хизмат кўрсатишнинг замонавий инфратузилмасини ривожлантириш имконини бермоқда. Туғруқ муассасаларининг инфратузилмаси яхшиланди, шунингдек, акушерлик муассасалари замонавий жиҳозлар билан таъминланиб, самарали перинатал технологиялар бўйича ўқитилди, янги жиҳозлар билан ишлаш, клиник кўрсатмалар ва стандартлар ишлаб чиқилди, перинатал ёрдам сифати назорат қилинди. Шунингдек, перинатал ёрдам ҳудудийлаштирилди, оналар ва янги туғилган чақалоқларга лозим босқичдаги тиббий ёрдам тегишли географик ҳудудда кўрсатилмоқда.

Давлат статистика қўмитасининг маълумотларига кўра, мамлакатимизда жами 8,9 миллион туғиш ёшидаги аёллар 218 та туғруқ муассасаларида тиббий хизматдан фойдаланиш имконига эга. 817 та қишлоқ врачлик пункти, 798 та қишлоқ ва 178 та шаҳар оилавий поликлиникалари бу йўналишда тизимли иш олиб боради.

Шу билан бирга, бирламчи тиббий-санитария муассасаларида “Аёллар маслаҳатхонаси”, кўп тармоқли марказий поликлиникаларда “Перинатал скрининг хоналари” вилоят кўп тармоқли болалар марказларида “Қизлар саломатлик маркази” фаолият юритяпти.

Туғма ногиронликнинг олдини олиш, ҳомиладор аёллар ва чақалоқларда нуқсонларни барвақт аниқлаш мақсадида “Она ва бола скрининг” марказларининг моддий-техника базаси янада мустаҳкамланди.

Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида тиббиёт соҳасида 2021 йил учун устувор вазифалар белгиланиб, оналик ва боланикни муҳофаза қилиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Шу асосда кейинги йилдан бошлаб 15 ёшгача бўлган болалар ва ҳомиладор аёлларга 7 турдаги витаминлар, болалар учун паразитар касалликларга қарши дори воситалари бепул тарқатиладиган бўлди. Бундай тиббий хизмат кўрсатиш учун 2021 йилда 11 миллион нафар, 2022 йилда 17 миллион нафар аҳоли қамраб олинади ва бунинг учун 100 миллиард сўм маблағ йўналтирилади.

Аёллар ва болаларни йод, темир, фолий кислотаси, витаминлар ва паразитларга қарши дорилар билан бепул таъминлаш орқали аҳоли ўртасида камқонлик 25 фоизга камайтирилиши режалаштирилган.

Албатта мазкур режа ва кўрсаткичларга қандай эришилади, деган савол туғилиши табиийдир. Чунки, бошланган янгиликни қуйи тизимга, оилаларга етказиб бориш осон жараён эмас. Бунинг учун манбалар аниқ бўлиши, тизим соат кўрсаткичидек аниқ ишлаши зарур.

Мана шу ўринда парламентнинг, биз, депутатларнинг вазифамиз вазирлик билан бирга шаффофликни таъминлаш бўлиши керак, деб ўйлайман. Масалага чуқур, атрофлича ёндашиб, унинг моҳияти ҳар бир юртдошимизга етказиб, натижа бериш механизмини ишлаб чиқишимиз керак.

Ютуқларимиз ўзимизники, синовли кунлар бизга сабоқ бўлмоқда. Ҳар қандай ҳолатга тайёр туриш, доимий ишимизни шунга мослаб олиб боришимиз талаб этилмоқда. Камчилик ва муаммоларимизни биргаликда ҳал қилишимиз керак. Қайси жой, қайси бўғинда узилиш бўлиши, қаерда инсон омили салбий таъсир кўрсатиши мумкинлиги ҳақидаги саволлар ҳаммамизни доим сергакликка ундаши зарур.

Устувор йўналишлар

## ЖАМИЯТДА АЁЛЛАРНИНГ МАВҚЕИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНАДИ

*Одинахон ОТАХОНОВА,*
*Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати*

**Аёл — миллат келажаги, ҳаёт давомчиси. Хотин-қизлар эъзозланган, қадрланган юртнинг бугуни ва эртаси фаровон бўлади. Ҳар қандай халқнинг маънавий даражасини, аввало, шу юрт аёлларининг маънавий савияси белгилайди, деб бежиз айтилмаган. Зеро, аёл меҳнати билан жамият тўлақонли ривожланади, тараққий этади.**

Шу жиҳатдан кейинги йилларда мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини, гендер тенгликни таъминлаш, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, аёллар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш, улар учун янги иш ўринлари яратиш, меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди.

Бугунги кунда юртимизда хотин-қизларнинг давлат бошқарувидаги ролини ошириш бўйича олиб борилаётган изчил ислоҳотлар натижасида парламентимиз янги таркибининг 30 фоизи аёллардан иборат бўлди. Вилоят, шаҳар ва туман ҳокимларининг хотин-қизлар масалалари бўйича маслаҳатчиси лавозими жорий этилди. Энг муҳими, аёл раҳбарлар — вазирлар, ҳокимлар, ишлаб чиқариш бирлашмалари, банк ва компаниялар раислари, ҳуқуқ-тартибот идораларида масъул вазифаларда хизмат қилаётган опа-сингилларимиз сони ортиб бораётир.

Бинобарин, мамлакатимизда хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг оғирини енгил қилиш, қобилияти ва салоҳиятини рўёбга чиқариш мақсадида ўтган йиллар давомида салмоқли ишлар қилинди. Жумладан, республикамизнинг барча ҳудудларида хотин-қизлар тадбиркорлик марказлари ташкил этилиб, опа-сингилларимизга ишбилармонлик, ҳунармандлик, касбга қайта тайёрлаш, бандликни таъминлаш юзасидан амалий ёрдамлар кўрсатилди. Ана шундай имкониятлар туфайли ўз фаолиятини йўлга қўйган аёллар сони тобора ошиб, улар томонидан минглаб янги иш ўринлари яратиляпти.

Жорий йилда ҳам мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни касб-ҳунарга ўргатиш, бандлигини таъминлашга қаратилган эзгу ишлар кўлами янада кенгайишига шубҳа йўқ. Сабаби Президентимиз 2020 йил 29 декабрь куни Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида давлат ва жамият бошқарувида аёлларнинг ўрни ва мавқеини янада мустаҳкамлаш — ислоҳотларимизнинг энг устувор йўналишларидан бири эканини алоҳида таъкидлади.

Хусусан, Касаба уюшмалари федерацияси бошчилигида мутасадди идоралар, банклар ва ҳокимликлар томонидан жойларда уйма-уй юриб, 6 миллиондан ортиқ хотин-қизларнинг муаммолари пухта ўрганилгани эътироф этилди. Ўрганишлар натижасида биринчи марта жойлардаги ҳақиқий аҳвол юзага чиққани таъкидланиб, шулар асосида “Аёллар дафтари” шакллантирилаётгани, хотин-қизларни қийнаётган кўплаб ижтимоий-иқтисодий муаммоларга амалий ечим топилаётгани қайд этилди.

Албатта, хотин-қизларни замонавий касб-ҳунарларга ўқитиш, уларнинг иқтисодий ва молиявий саводхонлигини ошириш, тадбиркорликка иштиёқ уйғотиш учун давлат ва жамият ўз зиммасидаги барча ишларни бажармоқда. Бу ишларга маҳаллаларда янги ташкил этилган “Аёллар маслаҳат кенгашлари” ҳам яқиндан кўмак бераётганини кўриб турибмиз. Лекин ҳозирги мураккаб вазият жойларда уйма-уй юриб турмуш шароити оғир бўлган хотин-қизларнинг аҳволини ҳар бир ҳудуд бўйича аниқ таҳлил қилиб, уларга амалий кўмак беришни тақозо этмоқда.

**БУ ЖАРАЁНДА ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ЖАМИЯТ ҲАЁТИДАГИ ЎРНИ ВА НУФУЗИНИ ОШИРИШ УЛАРГА ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР ЯРАТИШ БЎЙИЧА НАВБАТДАГИ ҚАДАМ СИФАТИДА ҲАЁТНИ ВА АЁЛЛАР МУАММОЛАРИНИ ЯХШИ БИЛАДИГАН, ФАОЛ ВА ТАШАББУСКОР ОПА-СИНГИЛЛАРИМИЗДАН ИБОРАТ РЕСПУБЛИКА ХОТИН-ҚИЗЛАР ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАКЛИФИНИ ИЛГАРИ СУРГАНИ ОЧИҒИ, АЁЛЛАР, ОНАЛАРИМИЗ ҚАЛБИГА ЕТИБ БОРДИ, УЛАРНИ ТЎЛҚИНЛАНТИРИБ ЮБОРДИ.**

Мурожаатномада таъкидланганидек, биз мамлакатимизда истиқомат қилаётган 17 миллиондан зиёд опа-сингилларимиз, қизларимиз, онахон ва момоларимизга муносиб шароит яратиб бериш учун барча имкониятларни ишга солишимиз лозим. Бу жараёнда Президентимиз хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва нуфузини ошириш уларга янги имкониятлар яратиш бўйича навбатдаги қадам сифатида ҳаётни ва аёллар муаммоларини яхши биладиган, фаол ва ташаббускор опа-сингилларимиздан иборат Республика Хотин-қизлар жамоатчилик кенгашини ташкил этиш таклифини илгари сургани очиғи, аёллар, оналаримиз қалбига етиб борди, уларни тўлқинлантириб юборди.

Ушбу Кенгашга бу борада катта тажрибага эга бўлган Сенатимиз Раиси, жойлардаги Хотин-қизлар кенгашлари фаолиятига эса ҳокимларнинг ушбу масалалар бўйича маслаҳатчилари раҳбарлик қилишини энг маъқул ва тўғри йўл, деб биламан. Бунда Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўйича республика ва ҳудудий жамғармаларни янги ташкил этиладиган кенгашлар ихтиёрига ўтказиб берилиши ҳам оқилона ташаббусдир.

Булар ҳали ҳаммаси эмас. Аёлларнинг бизнес соҳасидаги лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш ҳамда жойларда аниқланган хотин-қизлар муаммоларини ҳал этиш учун бюджетдан қўшимча равишда 1 триллион сўмдан зиёд маблағ йўналтирилиши, бунинг учун “Халқ банки” томонидан жойларда хотин-қизларни тадбиркорликка ўқитиш, бизнесга оид намунавий режаларини ишлаб чиқиш ва кредит олишда уларга амалий ёрдам кўрсатишнинг янги тизими жорий этилиши албатта, аёллар тадбиркорлигини жадал ривожлантиришга хизмат қилади.

Ҳар қандай мамлакатда бўлгани каби юртимизда ҳам етарли даромад манбаига эга бўлмаган, ишсиз хотин-қизларимиз бор. Жойларда сайловчилар билан учрашувларимиз давомида айнан шундай аёлларнинг муаммолари билан қизиқдик, ўз ташвиш-уйларига ўралашиб, дардини айтолмай юрган хотин-қизларнинг дардларини эшитдик. Боқувчисини йўқотиб, қай ишга бош суқишини билмай турган аёлларнинг дарду ташвишларини тинглаб, тегишли ташкилотлар билан биргаликда уларни қийнаб келаётган муаммоларни ҳал этиш чораларини кўрдик. Тадбиркорликка қизиқиши баланд, бизнесни бошлаш ҳаракатида юрган аёлларга имтиёзли кредитлар олиб, ўз фаолиятини бошлашига яқиндан кўмак бердик.

Ҳар қандай жамиятнинг маданияти даражаси унинг хотин-қизларга бўлган муносабати билан белгиланади. Шу сабабли хотин-қизларнинг муносиб меҳнат қилиши ва қобилиятлари, салоҳиятини рўёбга чиқариш учун шарт-шароит яратиш, жамиятдаги ўрни ва мақомини мустаҳкамлашга кўмаклашиш ўта муҳим вазифалардан бўлиб қолаверади.

Хулоса қилиб айтганда, аёлларга иззат-икром кўрсатиш, уларни ардоқлаш, оғирини енгил қилиш ишларига давлатимиз тобора катта аҳамият бермоқда. Зотан, опа-сингилларимизга муносиб меҳнат ва турмуш шароитини яратиб бериш, уларни тадбиркорликка жалб қилиш нафақат раҳбарларнинг, балки биз депутатларнинг ҳам вазифамиз, инсоний бурчимиздир.

Тил — миллат ғурури

# “ЎЗ ТИЛИГА САДОҚАТ, БУ — ВАТАНИЙ ИШДИР”



**Тил — буюк неъмат. У миллатнинг мавжудлиги, ғурури ва ўзига хослигини ифодалайди. Шундай экан, ҳар бир инсон ўз тилини билиши, уни улуғлаши ва шу билан бирга бошқа халқларнинг тилини ҳам ҳурмат қилиши, имкон қадар ўрганиши фойдадан холи эмас. Бу турли халқлар ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлаши баробарида тилнинг нуфузи ва мавқеини оширишга хизмат қилиши табиий. Тил тарихи ва тузилишини халқнинг ривожланиш тарихи ва миллий ўзига хослигидан айри ҳолда ўрганиб бўлмайди. Чунки ҳар бир халқ тилида миллат ўтмиши, асрий қадриятлари, маданияти ўз ифодасини топади. Туркий тилни илк бор грамматик нуқтаи назардан тадқиқ этган аллома бобомиз Маҳмуд Кошғарий “Девону луғотит турк” асарида “Эрдам боши тилдир”, яъни “Барча фазилатлар, эзгуликлар тилдан бошланади”, деб таъкидлайди.**

***Зебиниса ҲАКИМОВА,***
***Давлат хизматлари агентлиги директорининг маслаҳатчиси***

Буюк маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлоний ҳар бир халқнинг нуфузи ва дунёдаги ўрни унинг она тилисини нечоғлик қадрлашига боғлиқ дея таъриф беради. Яъни, “Ҳар бир миллатнинг дунёда борлиғини кўрсатадурган ойинаи ҳаёти тил ва адабиётидур. Миллий тилни йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмакдур”, дея эътироф этади. Зеро, инсон қалбидаги жамики эзгу фазилатлар, аввало, она алласи, она тилининг бетакрор жозибаси билан сингиши ҳақиқат.

Шу нуқтаи назардан, 1989 йилнинг 21 октябрида “Давлат тили ҳақида”ги Қонуннинг қабул қилиниши асносида Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилгани муҳим аҳамият касб этгани маълум. Бинобарин, ҳали собиқ Иттифоқнинг тоталитар ҳукмронлиги сўнмай турган бир кезда бу халқимизни том маънода жипслаштириб, ўз ҳақ-ҳуқуқи ва эрки йўлида курашга руҳлантиргани, шубҳасиз. Истиқлолга эришгач, Бош Қомусимизда давлат тилининг мақоми ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланди. Ушбу сана мамлакатимиз, юртдошларимиз ҳаётидаги унутилмас, тарихий воқеага айланди. Сўнгги йилларда барча соҳаларда бўлгани каби тилимиз тараққиётида ҳам муҳим ўзгаришлар юз бермоқда. Ўзбек тилининг халқаро миқёсда обрўси ошиб, фаол мулоқот воситасига айланиб бормоқда.

Президентимиз “Дунёдаги қадимий ва бой тиллардан бири бўлган ўзбек тили халқимиз учун миллий ўзлик ва мустақил давлатчилигимиз тимсоли, бебаҳо маънавий бойлик, мамлакатимизнинг сиёсий-ижтимоий, маънавий-маърифий тараққиётида ғоят муҳим ўрин эгаллаб келаётган буюк қадрият” эканини алоҳида таъкидлаб ўтганди. Дарҳақиқат, она тилимизни келгуси авлодларга маънавий бойлик сифатида соф ҳолда етказиш учун эса ёшларни она тилига ҳурмат руҳида тарбиялашимиз лозим.

Ислоҳотлар изчил давом эттирилиб, давлатимиз раҳбарининг 2019 йилнинг 4 октябрида “Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги Қонуни қабул қилинганининг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги Қарори ҳамда 21 октябрь санасида “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. Фармонга биноан 21 октябрь санаси юртимизда “Ўзбек тили байрами куни” деб эълон қилинди. Мазкур байрам — она тилимизни шарафлаш, унинг қаддини ва қадрини янада юксалтиришга хизмат қилиши керак.

Мана шу ўринда ўзбек тили ривожи ва софлигига тўсиқ бўлаётган муаммолардан бири ҳақида сўз юритсак. Тараққиёт, глобаллашув сабаб республикамизнинг деярли ҳар бир кўчасида замонавий тураржой, савдо комплекслари, хизмат кўрсатиш шохобчалари қад кўтарди. Ривожланиш ўз йўлига, аммо аксариятининг номланиши ажнабий тилда экани ачинарли ҳол. “Корзинка”, “Makro”, “Wunderkind”, “Profi Educations”, “Туры в Дубай”, “Beauty Salon”, “Dark hall”, “Таль Пич”, “Barduck”, “Riviera”, “Мы открылись”, “Indenim” каби хорижий номларни кўриб, чет элда юргандек ҳис қиласиз. Бу каби ҳолат замона зайлидир, бироқ “Райҳон”, “Ялпиз”, “Новвот”, “Чопар” каби ресторанлар, “Самарқанд дарвоза”, “Наврўз” каби ўзбекча ва қулоғимизга таниш номлар билан аталган кўнгилочар савдо мажмуаларининг бозори “ўлгани йўқ-ку”!

“Tashkent Sity”, “Nest One”, “Golden House” каби пойтахтимизнинг кўрки бўлган тураржой ва бизнес комплекслари бунёд этиляпти. Ҳар бир вилоятда “sity”лар қуриляпти, бироқ шу ўзгаришларни ўзбекча ном билан атасак, мақсадга мувофиқ бўлмайдими? “Олмазор”, “Соҳилбўйи” каби номларнинг нимаси ёмон?

Хориж компаниялари билан ҳамкорликда қурилаётган объектларни тушуниш мумкин, аммо тураржой ва савдо марказларини номлашда шошма-шошарликка йўл қўймаслик керак. Бу замонавийликка интилиш, бошқалардан бир поғона юқорида эканини кўрсатиш ёки халқимиз учун умуман ёт бўлган атамаларни кўр-кўрона қўллашми?

Она тилига даъват этиши керак бўлган телеканалларда ҳам аҳвол ҳавас қилгудек эмас. Давлат ва нодавлат телеканалларидаги соф ўзбекча номли кўрсатувлар тобора камайиб кетмоқда. “Bojalar community”, “Hello Afrika”, “Real Xit”, “Like bos”, “The Cover up”, “Bumerang”, “MTV Show”, “Tv Sale”, “My Shop”, “Bingo”. Уларнинг ўрнида “Ассалом, Ўзбекистон”, “Ойдин ҳаёт”, “Ўзингни англа”, “Менинг боғим”, “Сиз билан”, “Уйга қайтиб”, “Ҳаёт ва хаёл йўллари” сингари ёқимли ва мушоҳадага чорлайдиган номлар чиройли жарангламайдими?

Афсуски, мана шу омиллар натижасида бугун ёшларимизда она тили ва адабиётимизни ўрганишга меҳр ва иштиёқ сустлашди. Саводхонлик даражаси ҳам кўнгилни хира қилади. Чунки қайси юртнинг фарзандлари ўз она тилларида ўқишни тўхтатса, ўша тил йўқлик қаърига сингади. Уни ёт таъсирлардан сақлаш юрт келажагини белгилайди. Шундай экан, она тилимизнинг халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини юксалтириш, миллий ва умумбашарий тушунчалар асосида тараққий этган тиллар сафига қўшишда ҳар биримиз тилимизга чуқур ҳурмат билан ёндашишимиз керак.

Шу ўринда маърифатпарвар бобомиз, ўз даврида ўнга яқин дунёвий тилларни пухта ўрганган олим Исҳоқхон Ибратнинг қуйидаги фикрлари эътиборга молик: **“Бизнинг ёшлар, албатта, бошқа тилни билиш учун саъй-ҳаракат қилсинлар, лекин аввал, ўз она тилини кўзларига тўтиё қилиб, эҳтиром кўрсатсинлар. Зеро, ўз тилига садоқат — бу ватаний ишдир”.**

Илғор технологиялар

# ЗАМОНАВИЙ МУЗЕЙШУНОСЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида халқимизнинг маданий-маърифий ҳаётини юксалтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Унда маданият ва санъат муассасалари фаолиятини жонлантириш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, бир қанча театр ва маданият объектларининг қурилиши ва реконструкция қилиниши, машҳур япон архитектори Тадао Андо лойиҳаси асосида янги санъат музейини барпо этиш бўйича амалий ишлар бошланиши таъкидлаб ўтилди. Халқимизнинг маданий-маърифий ҳаётини юксалтиришда юртимизда фаолият юритаётган тарихий музейларнинг ўз ўрни бор.**





***Шаҳноза МИРАЛИЕВА,***
***ЎзР ФА Темурийлар тарихи давлат музейи катта илмий ходими, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори***

Умуминсоний қадриятларнинг аҳамияти ортиб бораётган бугунги глобаллашув жараёнида дунё цивилизациясига асос бўлган моддий ва маънавий ёдгорликларни музейлар орқали кенг оммага тарғиб қилиш долзарб масалага айланган. Музейларнинг ижтимоий-маданий қиммати, уларнинг жамият ва маданият ўртасидаги ўзаро таъсирини таъминлашдаги ўрнига катта эътибор қаратилмоқда. Шу жиҳатдан жаҳон музейларида инновацияларнинг жорий этилиши уларнинг коллекциялари ҳақидаги маълумотларни кенг жамоатчиликка онлайн тарзда етказиб беришнинг оммабоп ва тезкор шакли, музей маркетингининг янги, илғор усули сифатида жадал суръатлар билан ривожланмоқда.

XXI аср музейлар учун инновациялар асри, деб белгиланди. Сўнгги йиллар мобайнида музейшунослар томонидан оммавий аудиторияни жалб этишдаги кўплаб муҳим масалалар кўриб чиқилмоқда. Экспонатларнинг информатив ва экспрессив хусусиятларини аниқлаш, махсус кодларини (QR-код) яратишнинг назарий-услубий асосларини такомиллаштириш, анъанавий абстрактликдан воз кечиб, аниқ мақсадли (таълим, коммуникацион, оилавий, кўнгилочар) аудиториялар учун



комплекс экспозицион дастурларни ишлаб чиқиш, музейларни замонавий шахснинг шаклланиши ва ривожланишига хизмат қилувчи маданият институтига айлантириш масалалари тадқиқ этилмоқда.

Ўзбекистон музейлари нуфузини ошириш, уларни замонавий талаблар доирасида жиҳозлаш, томошабинларни жалб қилиш учун янги усулларни ташкил этиш, илгари намойиш этиш имкони бўлмаган музей фондларидаги буюмларни ҳам намойиш этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш зарур бўлмоқда. Юқори технологияларни, экспозицияларни намойиш этишдан ташқари, фонд фаолиятига ҳам жорий этиш масалалари ишлаб чиқилди. Музейларни ахборотлаштириш ва интернет тизимида маълумотлар базасини яратиш томошабиннинг музей билан танишишида ўзаро мулоқот кўринишини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 августдаги “Ўзбекистон Республикасида маданият ва санъат соҳасини инновацион ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида “музейлар инфратузилмасини халқаро стандартларга мувофиқ такомиллаштириш орқали кўрсатиладиган хизматларнинг интерактивлигини ошириш, шу жумладан “smart” технологияларни (ахборот дўкончалари, 3D визуализация ва голограмма, QR-кодлар, чет тилларидаги электрон гидлар ва ҳоказолар) жорий этиш, аҳоли, энг аввало, ёш авлод учун мўлжалланган, интернет тармоғидан фойдаланган ҳолда музейларнинг фаолиятига инновацион ахборот технологияларини кенг жорий этиш ва музей экспонатларининг рақамли шаклларини яратиш орқали музей экспонатларини кўриш имконини берадиган инфратузилмани яратиш” каби вазифалар белгиланган.

Хусусан, бу борада амалга оширилаётган ишларни ҳозирда Темурийлар тарихи давлат музейи мисолида кўришимиз мумкин. 2014 йилда Тошкент алоқа ва технологиялар университети билан ҳамкорликда музейнинг қисқа виртуал кўриниши яратилган эди. Дастлаб, ушбу виртуал тур музейда жойлаштирилган сенсор киоск орқали томошабинларга тақдим этилди. 2016 йилда Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 680 йиллиги муносабати билан музейнинг тўлиқ виртуал кўриниши яратилди. Унда музей заллари бўйлаб 3D — саёҳат қилиш, экспонатларнинг таснифи билан танишиш мумкин.

2019 йилда ушбу музейда инновацион тизим янада ривожланди. Темурийлар тарихи давлат музейининг мобиль иловаси яратилди. Амир Темур ва темурийлар даври тарихига қизиқувчилар иловани ўзларининг мобиль воситаларига юклаб олиб, музейда сақланаётган экспонатлар ҳақидаги маълумотларга эга бўлишлари мумкин.

Бундан ташқари, Ўзбекистон музейлари тизимида илк маротаба 150 дан ортиқ экспонатларнинг QR-кодлари (ўзбек, рус ва инглиз тилларида) яратилди. Музейда жорий қилинган интерфаол сенсор монитор эса ташриф буюрувчилар, айниқса ўқувчилар учун қулайлик яратди. Унда музейнинг виртуал шакли ва экспонатлар тасвири намойиш этилиши экспозицияни бойитишга ва ўзига жалб этишга хизмат қилмоқда.

2020 йил музейда “smart” технологиялар жорий қилинди. Бу орқали музейга ташриф буюрувчилар замонавий интерактив воситалар ёрдамида турли экспонатлар ва музей ҳақида қўшимча маълумотларни олишлари мумкин. Музей экспонатлари ҳақидаги маълумотлар NazzAR — инновацион иловаси ёрдамида реал элементлар билан бойитилди. Смартфонни музейнинг 21 та нуқтасига ўрнатилган AR белгили махсус тахтачаларга йўналтириб, экспонат ҳақидаги маълумотларга ўзбек, рус, инглиз, француз тилларидаги аудио-видеогид ёрдамида эга бўлишингиз мумкин.

Шунингдек, 3D динамикали голограммалар ҳам акс этиб, у турли эффектлар билан тўлдирилди. Бунинг учун фойдаланувчи ўз смартфонига Android ва iOS қурилмалари учун ишлаб чиқилган NazzAR иловасини юклаб олиши лозим. Ушбу инновацион лойиҳа Амир Темур ва темурийлар тарихини янада кенгроқ ёритиб беришга хизмат қилмоқда. “Smart” технологияларнинг жорий қилиниши музейга республикамизнинг турли вилоятларидан ташриф буюрувчилар ва сайёҳлар учун жуда катта қулайликларни яратади. Келгусида ушбу лойиҳани янада кенгайтириш режалаштирилган.

Ушбу музейда нафақат экспозиция, балки фонд фаолиятида ҳам катта ютуқларга эришилди. Маданият вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган Миллий музей фонди Давлат каталогига музейнинг асосий фондидаги “Археология”, “Нумизматика”, “Этнография” бўлими ашё ва буюмлари тўғрисидаги маълумотлар киритилди.

Кўриниб турибдики, музей ишининг келажакдаги ривожи, замонавий экспозицияларнинг сезиларли равишда кўпайиши ва маълумотларни намойиш этишнинг инновацион технологиялар билан боғлиқлиги яққол намоён бўлмоқда.

Хушхабар

# “Энг китобхон мактаб”ларга автомобиль топширилди

***Мнажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ,***
***“Янги Ўзбекистон” мухбири.***

**Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат академик мусиқий театрида Президентимизнинг “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги қарори ҳамда Ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича 5 та муҳим ташаббуснинг тўртинчиси — ёшлар орасида китобхонликни тарғиб этиш мақсадида ташкил этилган “Энг китобхон мактаб” лойиҳасининг иккинчи босқичи якунига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.**

Лойиҳа Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ҳамда “Китоб маркази”, “Китоб дунёси” марказлари томонидан ўтказилди. Мазкур лойиҳада жами 721 та мактаб иштирок этди. Лойиҳа доирасида таълим муассасаларида таҳсил олаётган 350 минг нафардан зиёд ўқувчи, шунингдек, уларнинг ота-оналари ва ўқитувчилар учун китоб байрамлари ташкил этилиб, ана шу тадбирлар давомида улар сифатли ва мазмунли китоблар билан таъминланди.

— Мактабимиз кимё ва биология фанларини чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослашган, — дейди Тўрткўл туманидаги 68-ихтисослаштирилган мактаб директори Қувондиқ Аллабергенов. — Бугунги кунда 250 нафар ўқувчига 35 нафар малакали ўқитувчи таълим-тарбия бериб келмоқда. Мактабимиз кутубхонасида 6,5 мингдан зиёд китоб бор. Ўқувчилар, уларнинг ота-оналари ва ҳомийлар кўмагида 175 миллион сўмга китоб харид қилинди. Натижада “Энг китобхон мактаб” деб тан олиндик ва бизга “Spark” автомашинаси тақдим этилди. Бундан жуда хурсандмиз.

Лойиҳа якунига кўра, “Энг китобхон мактаб” деб топилган Нукус шаҳридаги 37-умумтаълим мактабига ҳам “Spark” автомашинаси тақдим этилди.

“Энг китобхон туман” дея эътироф этилган Шуманай тумани халқ таълими бўлимига эса “Nexia” автомашинаси калити топширилди.

— Туманимизда 33 та мактаб бор, — дейди Шуманай туман халқ таълими бўлими мудири Омирбек Султанмуратов. — “Энг китобхон мактаб” лойиҳаси доирасида ўтказилган китоб ярмаркаси туманимизда уч кун давом этди. Ҳар куни 10 та мактабга бориб, ярмаркани ташкил этиш борасида мактаб ўқувчилари ва уларнинг ота-оналари томонидан 105 миллион сўмлик китоблар сотиб олинди. Бадиий асарлар ўзбек, қорақалпоқ, рус ва туркман тилларида чоп этилганлиги боис, ўқувчиларга қулай бўлмоқда. Яна алоҳида таъкидлаб ўтадиган нарса шуки, туман ҳокимлиги томонидан мактаблар кутубхонаси учун 112 миллион сўмлик китоб сотиб олинди. Шунингдек, уй шароитида таълим олаётган 29 нафар боланинг ҳар бирига 400 минг сўмлик китоблар совға қилинди. Биз эса китоблар мутолаасини тарғиб қилишни давом эттирмоқдамиз.

Тадбирда “Иқтидорли ўқувчи”, “Энг фаол кутубхоначи”, “Фаол мактаб директори”, “Энг фаол ОАВ ходими” номинациялари ғолибларига ҳам қимматбаҳо совғалар тақдим этилди.

***Рўзимбой ҲАСАН,***
***“Янги Ўзбекистон” мухбири.***

**Бу хабарга, аввалига ишонмаслигингиз мумкин. Чунки шу вақтгача Хоразмда фақат вилоят марказидагина олий таълим даргоҳлари фаолият юритиб келган. Энди эса вилоятнинг чекка туманларидан бири Ҳазораспда ана шундай даргоҳ — Ахборот технологиялари академияси очилмоқда. Яна денг, Японияники.**

# Чекка туманда Япония академияси очилмоқда

Президентимиз ўтган йилнинг 12-13 декабрь кунлари Хоразмга ташрифи давомида белгилаб берган топшириққа асосан, Ҳазораспда шундай олий ўқув даргоҳи иш бошлайдиган бўлди.

Японияning “BEEANZ Inc.” компанияси асосчиси жаноб Цутоми Учияма туман ҳокими билан куни кеча бу борадаги ҳамкорлик меморандумини имзолади. Ушбу ҳужжатга кўра, туман ҳудудида Ахборот технологиялари академиясининг ўқув муассасаси ташкил қилинади.

Академия шу йилнинг учинчи чорагида 150 нафар талабани ўқишга қабул қилади. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, ўқиш бепул, яъни Япония компанияси ҳисобидан.

Янги ўқув даргоҳида талабаларга япониялик тажрибали мутахассислар сабоқ беради. Ўқув даргоҳини битказган ёшлар амалиётни бевосита Японияда ўтайди ва келажакда шу давлатда ишлаш имкониятига ҳам эга бўлади.

Ислоҳотларнинг янги босқичида ана шундай кўз кўриб, қулоқ эшитмаган янгиликлар рўй бераётгани давлатимиз раҳбари томонидан ёш авлод келажаги учун олиб борилаётган сиёсат мевасидир.



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: **Салим ДОНИЁРОВ**

“Янги Ўзбекистон” газетаси учун масъул: бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари **Бахтиёр Абдусатторов**

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Эълонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: yuz-gazetasi@mail.ru

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
**Нашр индекси** — 236. **Буюртма** — 67.
10887 нусхада босилди.
**Ҳажми** — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“KOLORPAK” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Нодир Маҳмудов
Мусаҳҳиҳ: Асолат Аҳмадқулова
Дизайнер: Зафар Бакиров

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎзА якуни — 01:10 Топширилди — 01:40